VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

3 (435) ● 2017 йил 18 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

2016 йилда ЎзМТДП фракцияси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 8 қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди

ЎзМТДП ташкилотларида "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" лойиҳаси доирасида байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотларида Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилади

Фракция фаолияти

2016 йил якунлари сарҳисоб қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Йиғилишда фракциянинг ўтган 2016 йил мобайнидаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, эришилган натижалар, фойдаланилмаган имкониятлар танқидий-таҳлил қилинди, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш, депутатлик назоратининг қонунда назарда тутилган шаклларидан фойдаланиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фракция аъзолари фаол иштирок этишини таъминлаш демократик ислоҳотларнинг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги ишлар Конституция ва қонун устуворлигини, қонунлар, давлат дастурлари сўзсиз ва оғишмай бажарилишини таъминлаш, уларни рўёбга чиқариш самарадорлигини ошириш, амалдаги қонун ва қарорлар ижросини пухта таҳлил қилиш асосида қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда муҳим ўрин тутади.

Шу боис йиғилишда ЎзМТДП фракциясининг ижро қилувчи тузилмалар — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг соҳага доир қонунлар, давлат дастурлари ижроси юзасидан ахборотини эшитиш амалиётидан қай даражада фойдаланганига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, фракция ташаббуси билан 2016 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

> 5-бет.

Ўқув-семинар

Сардор Муллажонов суратлари

ЎзМТДП ташкилотларида

аҳоли билан доимий мулоқот йўлга қўйилади

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Демократик жамиятни шакллантиришнинг муҳим шарти — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалда таъминланишидир. Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Мустақиллик йилларида Бош қомусимиз асосида инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани "Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ" деган эзгу ғоя рўёбини янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутади. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги нутқида халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кераклигини, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш, бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви идораларининг халқ билан бевосита мулоқотда бўлиши, аҳолининг барча қатлами ичига чуқур кириб бориши ва уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирлар "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишнинг амалий механизмларини яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этишда янги босқич вазифасини ўтайди.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Илм кунда синалади

"Илм кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилиши лозим". Буюк аждодимиз, миллий салоҳиятимизнинг чексиз имконлари борасидаги далилларидан бири Абу Райҳон Беруний ижодининг мазкур ҳикматини қанча кўп ўрганилсак, шунча оз.

> 4-бет.

"Қайнаётган қозон"

футбол мухлислари "Камп Ноу" стадионини ана шундай аташади

> 7-бет.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси мавжуд масалаларга танқидий, таҳлилий ёндашилгани, вазиятга холис баҳо берилиб, олдимизда турган мақсад-вазифалар ечимига доир аниқ ва устувор вазифалар белгилаб берилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ислоҳотларнинг янги босқичи

иқтисодиётда сифат ўзгаришлари ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади

Дарҳақиқат, маърузада 2016 йилда эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликларга холис баҳо берилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган ва жаҳонда "ўзбек модели" деб ном олган ривожланиш стратегиямиз ҳамда мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурининг изчил амалга оширилаётганлиги ўтган йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий мувозанат, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошишини таъминлади.

> 2-бет.

Китоб ва китобхонлик — инсон маънавияти кўзгуси

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек, "китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи".

Халқимиз тилида ҳам китоб ўқиб билим ва муносиб таълим-тарбия олиш, илм-фан билан шуғулланиш, касб-ҳунар ўрганишнинг аҳамиятига доир мақоллар жуда кўп. Жумладан, "Китобсиз ақл — қанотсиз қуш", "Бахт белгиси — билим", "Билим — ақл чироғи", "Гўзаллик — илму маърифатда", "Илм бахт келтирар, билим тахт келтирар", "Ҳунар — оқар булоқ, илм — ёнар чироқ", "Олтин олма, билим ол, билим олсанг, билиб ол". Бундай пурҳикмат нақлларни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Энг муҳими, неча минг йиллардан буён сайқалланиб, не-не авлодларга йўлчи юлдуздек тўғри йўлни кўрсатиб келаётган ана шу халқона ҳикматлар негизидаги асл ҳақиқат шуки, инсоннинг билимли, тарбияли, касб-ҳунарли ва албатта бахтли ва давлатли бўлишининг муҳим омили — бу китобга дўст бўлиш, ҳамиша китоб ўқиш ва китоб мутолаасини умр бўйи канда қилмасликдир.

> 6-бет.

Сана

Ватан — улуғ, бурч — муқаддас

Тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган, барқарорлик ва фаровонлик қарор топган Ватан ҳар бир инсон учун энг улуғ неъматдир. Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини эса ихчам, тезкор ва ҳар томонлама замонавий тайёргарликка эга Қуролли Кучларсиз таъминлаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида Ватанимиз суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз тинчлигини ҳимоя қилишга қодир профессионал миллий армиямиз барпо этилди.

Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир. Миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айланди. Ўғлонларимизнинг ҳарбий хизматга, бошқача айтганда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиши кучайди. Профессионал армия шаклланди.

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг — ёнатрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз борлиги таъкидланди.

> 3-бет.

Фойдали, хушбўй ва серсув мева

Мандариннинг асл ватани — Жануби-шарқий Осиё. Унинг хушбўй ҳиди, ширин-нордон таъми ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди



> 8-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

MILLIY TIKLANISH
3 (435) 2017 йил 18 январь, чоршанба

Ўқув-семинар

ЎзМТДП ташкилотларида

аҳоли билан доимий мулоқот йўлга қўйилади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Айни пайтда Президентимизнинг ҳар иккала дастуриламал маърузасида илгари сурилган ғоя ва таклифлар, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти барча идора ва ташкилот, кенг жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилмоқда, улардан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ташкил этаётган тадбирларда халқ билан доимий мулоқот қилиш, инсон манфаатларини самарали таъминлаш борасида амалий таклифлар билдирилмоқда, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмоқда, улар асосида аниқ чора-тадбирлар белгиланаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини самарали амалга ошириш механизмлари" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида ўтказилган амалий семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқшунослар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонидан келиб чиқиб, ЎзМТДП ташкилотлари ва фракцияси олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Семинарни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов очди.

— Мамлакатимизда инсон манфаатлари ва унинг ҳуқуқлари ҳимояси давлатимиз ички сиёсатининг асосини ташкил этади. Давлатимиз раҳбари Бош қомусимиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билиш керак, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, инсон манфаатлари, халқ фаровонлигини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш муҳим ҳисобланади. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг мунносиб турмуш кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиш, энг муҳими, давлат органларининг одамлар билан доимий мулоқот ўрнатишини таъминлашга хизмат қилади. Айни чоғда у "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" деган конституциявий тамойилни амалда қарор топтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Шу боис мазкур фармон нафақат халқимиз ва кенг жамоатчилик, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилди. Фармонда белгиланган чора-тадбирлар, аниқ вазифалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда яна бир муҳим қадам бўлди. Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ҳамда Виртуал қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу оқилона ва самарали тизим аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади, — деди партия етакчиси.

Дарҳақиқат, бундай қабулхоналарнинг фаолият кўрсатиши, аввало, Конституциямизнинг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга", дея мустаҳкамланган фуқаролармизнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлақонли ва самарали амалга оширишга кўмаклашади. Қолаверса, виртуал қабулхонанинг ташкил этилиши "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида белгиланган электрон шаклдаги мурожаатларни янгича шаклда кўриб чиқиш ва ҳал этиш ижросини таъминлайди.

Яна бир муҳим жиҳат: Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги қабулхоналари, виртуал қабулхона жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз мурожаатларини марказга келиб эмас, яшаш жойидан туриб Интернет орқали мутасадди давлат идораларига юбориши ёки ўзи истиқомат қилаётган туман, вилоят ҳудудида жойлашган Президентнинг Халқ қабулхонасига топшириши, мурожаати юзасидан юзма-юз туриб маълумот ва тушунча олишига имконият ва шароит яратади. Шу билан бирга, мурожаатни ўша жойнинг ўзида ва тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради.

Семинарда фармонда белгиланган вазифалар ижроси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бирга сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклаши алоҳида таъкидланди. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, партия ташкилотлари тизимида фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг самарали ечимини топиш механизмлари ўрганилди.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди", деган ҳақиқатни алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, аҳоли кенг қатлами вакиллари билан дилдан суҳбатлашиш, уларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган муаммо ва масалалардан бохабар бўлиш ва, энг муҳими, уларни ҳал этиш чораларини кўриш нафақат давлат идоралари, балки халқ вакиллари ҳамда сиёсий партияларнинг ҳам муҳим вазифасидир. Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш, ўз навбатида, аҳолининг сиёсий партияларга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодиржон Мухторов "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг мазмун-моҳияти ҳамда ЎзМТДП ташкилотлари ва партия фракцияси олдида турган долзарб вазифалар" мавзусида маъруза қилди.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида белгиланган мақсад-вазифалар халқ билан очиқ мулоқот қилишнинг янги, самарали ва замонавий тизими яратилишини таъминлайди, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини оширади, — деди у. — Фармоннинг 6-бандида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари, барча даражадаги ҳокимлар жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабулларини, шу жумладан Халқ қабулхоналари томонидан ташкил этиладиган қабулларни мунтазам ўтказиб бориши, ҳар ойда мурожаатлар ҳамда Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонадан кўриб чиқиш учун юборилган мурожаатлар билан ишлашга оид ўз ҳисоботини тақдим этиб бориши алоҳида белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари зиммасига ҳам катта вазифа ва масъулият юклайди. Шу боис, партиямиз ташкилотлари ва фракциямиз аъзолари, аввало, фармонда белгиланган вазифалар ижросига қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабулларини ташкил этиш учун тегишли чораларни кўриши, мурожаатлар билан ишлашга оид тузилмаларни қайта кўриб чиқиши зарур. Бугун олдимизга қўйилаётган энг муҳим вазифа — аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш ва ҳал этиш чораларини кўришимиз учун партиямиз тизимида мурожаатлар билан ишлашнинг мутлақо янгича тизимини жорий этишимиз лозим. Чунки партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларига келиб тушган ҳар бир мурожаат эътиборсиз қолмаслиги керак. Уларни имкон қадар жойида ҳал этишга жиддий ёндашишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, ЎзМТДП ташкилотлари таркибида ҳам аҳоли билан ишлайдиган қабулхоналар ташкил этилади. Мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқишга масъул бўлган алоҳида штат бирликлари жорий қилинади.

Юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, тафаккури, ҳуқуқий маданияти ҳам юксалиб бораётир. Демократик ислоҳотларнинг кенг ва чуқур жорий этилиши кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданияти даражасига боғлиқ. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси демократик жамиятнинг негизи ва ҳуқуқий тизим етуклигининг белгисидир. Шу боис ЎзМТДП тизимида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Семинарда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид учрашувларни мунтазам ташкил этиш лозимлигига эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, мазкур қонунда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган. Ушбу соҳадаги қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органлари, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди. Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари уларга қўйиладиган талаблар, жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланган, шунингдек, мурожаатларни бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг мажбуриятлари, электрон шаклда мурожаат қилиш ўз ифодасини топган.

Семинарда таъкидланганидек, қонун ҳужжатларида белгиланган фуқаролар мурожаатлари билан боғлиқ тартиб-қоида ва меъёрларни аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, мазмун ва аҳамиятини тушунтириш, ўз навбатида, аҳолининг давлат идоралари билан ишлаш, мурожаатларни ўз мутасаддиларига тақдим қилиш бўйича билим ва кўникмалари ошишига хизмат қилади. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг бу борадаги фаоллигини янада ошириш, улар ўз ваколат ва имкониятларидан самарали фойдаланиши зарурлиги қайд этилди. Қолаверса, қонунлар ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш, мавжуд муаммо ва камчиликларга масъулият билан эътибор қаратишда депутатлар ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов "Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг самарали ечимини топишда партия ташкилотлари ва фракциянинг ўрни" мавзусида маъруза қилди. ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Маҳмуд Назаров, Жиззах вилоят кенгаши девони раҳбари Алишер Орипов, Самарқанд вилояти кенгаши девони раҳбари Ориф Холиқулов, Сирдарё вилоят кенгаши вакили Шерзод Нурматов ва бошқалар сўз олиб, партия электорати манфаатларини таъминлаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш борасида ўтган даврда амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берди. Президентимиз фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини тубдан кучайтириш, партия ташкилий тузилмасига зарур ўзгартишлар киритиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган вазифа ҳамда чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шерзод НУРМАТОВ,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифалар, аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг янги тизими Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам хизмат қилади. Шу боис бугунги семинарда партия ташкилотларимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли вакиллари билан мунтазам мулоқот қилишнинг самарали тизимини жорий этиш масалалари қизғин муҳокама қилинди. Бу борада аниқ ва ҳаётий таклифлар ўртага ташланди. Ҳудудий партия ташкилотларига фуқаролар билан ишлайдиган алоҳида мутахассис кадрларни жалб қилиш, уларнинг бу йўналишдаги малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида амалий ўқув-семинарлар ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ушбу вазифаларни виждонан амалга ошириш партиямизнинг ҳар бир вакилидан фаоллик ва қатъиятлиликни талаб этади.

Сулаймон ЭРАЛИЕВ,
ЎзМТДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда Халқ қабулхоналари, давлат органларининг глобал тармоқдаги расмий веб-сайтларида виртуал қабулхоналар очилиб, улар очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида фаолият юритаётгани давлат ва халқ ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаш, жойлардаги муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП тизимида ҳам самарали мулоқот механизмини яратиш партия дастурий мақсад-вазифалари ижроси ҳамда электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутади. Шу боис мазкур семинар амалий таклифларга бой бўлди, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларининг ўзаро тажриба алмашишига кенг имконият яратди. Биз эндиликда партиямизнинг Марказий кенгаши ҳамда депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашдаги фаолиятимизни тубдан кучайтиришга интиламиз.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Ислоҳотларнинг янги босқичи

иқтисодиётда сифат ўзгаришлари ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мамлакатда фаол инвестиция сиёсатининг юритилиши, иқтисодиёт соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг амалга оширилаётганлиги натижасида иқтисодиётда таркибий ва сифат ўзгаришлари таъминланди, 2016 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти 7,8 фоизга ўсди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида асосий эътиборни мавжуд муаммолар, тўлиқ ишлатилмаётган имконият ва захираларни чуқур, атрофлича таҳлил қилишга қаратиб, республиканинг 2017 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий дастурининг энг муҳим стратегик вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаб берди. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида "аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол давом эттириш масалалари марказий ўрин эгаллаши" таъкидланди.

Аҳоли билан доимий ва тўғридан-тўғри мулоқот ташкил этиш, уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатдан янги, самарали ва ноёб тизими бўлган Халқ қабулхоналари нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга, балки мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳалқимиз энди ўзининг бевосита мурожаатлари, фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан бошқарув жараёнида фаол иштирок этиш имконига эга бўлди.

Маърузада миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш борасида ҳукумат, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари олдига тармоқлар ва ҳудудларда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ва жадал ривожлантириш, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодиётни бошқаришдаги давлат ролини босқичма-босқич камайтириш ва унинг органлари ишини тубдан яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойларни қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга оширишни асосий вазифаларимиз сирасига киритди.

Мажлис якунлари бўйича ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар раҳбарларига 2017 йилги иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор йўналишини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича аниқ талаблар қўйилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз парламенти зиммасига муайян вазифалар юклатилди. Шу йилнинг 1 февралидан Қонунчилик палатаси ва Сенат раҳбарлари жойларга чиқиб, мавжуд аҳволни бевосита ўрганиш жараёнида аҳоли турмуши билан боғлиқ эҳтиёжларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади. Бу, ўз навбатида, биз депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Хусусан, маърузада белгилаб берилганидек, халқ билан мулоқот қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан ўз ваколатларимиздан тўлақонли фойдаланишимиз лозим. Депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросидаги иштирокини кенгайтириш, аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органлари ва тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, доимий комиссиялар ва сессиялар кун тартибига сайловчиларни ўйлантираётган муаммолар ечими юзасидан масалалар киритиш инсон манфаатларини таъминлашнинг ишончли йўлидир.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилга белгилаб берилган энг муҳим йўналиш ва устивор вазифаларнинг ҳаётий рўёби, шубҳасиз, келажакда демократик ва эркин бозор талабларига тўла жавоб берадиган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, ички бозорларимизни сифатли, арзон ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Шерзод РАҲИМОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Сана

Ватан — улуғ, бурч — муқаддас

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ватан ҳимоячилари шарафланди

Бугунги кунда миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш учун йигитлардан нафақат мустаҳкам соғлиқ, балки юқори интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқараш, юксак маънавий-руҳий тайёргарлик талаб этилади. Бу эса миллий армиямиз сафлари Ватанимиз ҳимоясига доим шай бўлган жасур ва мард ёш кадрлар билан тўлдириб борилаётганидан далолат беради. Бугун фахр ва ғурур билан айта оламизки ҳарбий хизматчилари ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган, пухта тайёргарликка эга, ҳар томонлама кучли Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлатимиз хавфсизлигининг ишончли ҳимоячисидир. Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясига, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлашга бағишлаган, элюрт тинчлиги ва осойишталигининг посбони бўлган жасур ўғлонларига халқимиз чуқур ҳурмат ва самимий меҳр-муҳаббатини изҳор этаётгани уларга куч-қувват бахш этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти билан ҳамкорликда Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзусида ташкил этган маънавий-маърифий тадбирда шу ҳақда сўз борди.

— Мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ватан ҳимоячиси бўлиш масъулиятли ва шарафли ишга айланди, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Ватан ҳимоячиси нафақат юрт тинчлигини, балки халқ фаровонлиги ва ёшлар келажагини таъминлашга ҳисса қўшадиган мард фарзандлардир. Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда кенг нишонланаётгани, мазкур шукуҳли сананинг йилдан-йилга қалбларимиздан чуқур жой олиб бораётгани замирида халқимизнинг ўз ҳимоячиларига бўлган юксак эътибори, ҳурмати мужассам.

Таъкидланганидек, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади. Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш мумкин. Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини янада яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Қуролли Кучлар сафига ҳар томонлама етук ва юқори малакали офицер кадрларни тайёрлаш билан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ушбу олий ҳарбий билим юрти ҳудудидаги шинам ётоқхона ва ўқув бинолари, спорт ва машғулотларга мўлжалланган иншоотлар бўлғуси офицерлар ихтиёрида. Бу ердаги инфратузилмалар ўзида ҳарбий, умумий, гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва махсус фанлар, жисмоний тайёргарлик ва амалий машғулотларни қамраб олган таълим жараёни талабларига жавоб беради. Курсантлар барча мутахассислик бўйича янги чуқурлаштирилган ўқув режаси ва дастури асосида ўқитилмоқда. Бу таълим жараёнини янада такомиллаштириш ва унга бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш имконини бераётир. Билим юртида 130 минг нусхадан ортиқ ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар фондига эга кутубхона фаолият юритмоқда. Ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва видеороликлар фондини жамлаган электрон кутубхона ва видеотека мунтазам тўлдириб борилмоқда. Бу эса курсантларга ўтилган мавзулар юзасидан мустақил тайёрланиш, эгаллаган билимини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

— Замонавий ҳарбий хизматчи нафақат юқори малакали мутахассис, балки дунёқараши кенг, билимли ва юксак салоҳиятли шахс бўлиши керак, — дейди Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Адҳам Раҳмонов. — Энг муҳими, бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга мушарраф бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди. Олий ҳарбий билим юртида бўлажак офицерлар замонавий ўқув дастурлари асосида ҳарбий санъат ва академик фанлар бўйича пухта билим олмоқда. Бизнинг аъло даражадаги жанговар, жисмоний ва маънавий-руҳий тайёргарлигимиз ушбу олий ҳарбий таълим муассасасининг юксак нуфузи ва мақомини тасдиқлайди.

Тадбирда билим юртининг бир қатор ҳарбий хизматчиларига, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларига давлатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишдек масъулиятли ва фидокорона хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишонлари топширилди.

Санъаткорлар ижросида Ватан, тинчлик ва мардликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Ватан шаънини улуғлаш — юксаф шараф

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Ватан ҳимоячилари — миллат ғурури" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партиянинг Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" етакчилари, Ўзбекистон бокс федерацияси вакиллари, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари совриндорлари, спортчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда юртимиз тинчлиги, барқарор иқтисодий тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда замонавий қурол-яроғ ва техника, малакали мутахассислар билан таъминланган миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида экани таъкидланди.

— Бугун дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган мураккаб вазият ҳар биримизни юртимиздаги тинчлик-осойишталиклнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлаш, ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундамоқда, — деди партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Зеро, тинчлик туфайли мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилмоқда, халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бораётир. Буни яхши англаган мард ва жасур ўғлонларимиз мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни муқаддас бурч, деб билади. Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишга асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч — бу армия сафларида хизмат қилаётган ҳарбийлардир. Бугун миллий армиямиз сафларида ана шундай мард ва жасур, ҳар томонлама чиниққан йигитлар хизмат қилмоқда.

Ватан — улуғ, бебаҳо тушунча. Унинг ҳар бир гўшаси, тоғу адирлари, чўлу дарёси, боғу даштлари ўзини, ўзлигини англаган инсон учун қадрли. Юрт корига яраш, унинг обрў-эътибори юксалишига ўзини дахлдор, деб билиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ана шу бурчни сидқидилдан адо этиб келаётган, қалбида ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуси жўш урган спортчиларимизнинг турли нуфузли мусобақаларда эришаётган юксак натижалари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбекистон Бокс федерацияси аъзолари ҳам халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни асосий мақсади, деб билади.

Тадбирда сўнгги йилларда мамлакатимиз боксчилари эришаётган муваффақиятлар салмоғи йилдан-йилга юксалиб бораётгани, спортни ёшлар ўртасида янада кенг оммалаштиришда Бокс федерацияси ҳамда ЎзМТДП ўртасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Партиямизнинг сайловолди Платформасида белгиланган ҳар томонлама соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларига жалб этишни янада ривожлантириш, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашиш борасидаги устувор мақсад-вазифалар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек бокс мактабининг бугун жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани фахр-ифтихор ва ғурур бағишлайди. Спортчиларимиз эришаётган юксак натижалар уларнинг ғайрат-шижоати, ватанпарварлиги, юрт шаъни ва қадр-қимматини юксалтириш йўлидаги фидойилиги барча ёшлар учун ўрнак ва намунадир. Ватан шаънини, айниқса, халқаро майдонларда ҳимоя қилиш улкан шараф ва масъулият талаб этади. Айни шу маънода, спортчиларимиз ҳам Ватан шаъни ҳимоячилари сифатида ҳар қанча ардоқ ва эъзозга муносиб.

Дарҳақиқат, 2016 йил Бразилияда ўтган ёзги Олимпия ўйинларида тўлиқ таркиб билан 10 вазн тоифасида иштирок этган боксчиларимизнинг 7 нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олди. Эътиборлиси, Олимпия ўйинлари тарихида ҳали бирор бир мамлакат бокс бўйича бундай натижани қўлга киритмаган.

— Бугунги кунда дунёда турли ғоявий-мафкуравий, ахборот хуружлари авж олаётгани халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод онги ва қалбига ватанпарварлик, мустақиллик ғояларини чуқур сингдиришни талаб этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров. — Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш асосий дастурий мақсади бўлган партиямиз ўз фаолиятида мамлакатимиз мустақиллигининг ҳимоячилари нуфузини ошириш, улар фаолиятининг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бизга масъулият, айни пайтда ғурур бағишлайди, — деди Осиё бокс конфедерацияси вице-президенти, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси Шерзод Тошматов. — Чунки Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзларига суради. Халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини суради. Бу ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси юксаклигининг, қандай буюк юрт фарзандлари, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англашининг тасдиғидир. Бу бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини англатиб, эслатиб туради, буни ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутиши лозим.

Тадбирда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳамкорлигида ёшларга миллий армиямиз ҳамда унинг нуфузи, ҳарбий билим юртлари ҳақида кенг маълумотлар бериш борасида қилинаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Бир гуруҳ спортчиларга ЎзМТДП Марказий кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

Инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир. Бироқ тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бу неъматларнинг барқарор бўлиши учун эзгу мақсадларда собиткадамлик, тинчликнинг маъно-мазмунини бойитиш, бутун халқни, айниқса, ёшларни осуда ҳаёт қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялаш зарур.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан "Ватан ҳимояси — олий шараф!" мавзусида ташкил этган маънавий-маърифий тадбирда шу ҳақда сўз борди.

— Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини ҳар йили мардлар байрами сифатида катта тантана билан нишонлаш анъанага айланган, — деди ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Умиджон Жабборов. — Аслида ҳам барчамизнинг тинч, хотиржам ҳаётимизни ишончли ҳимоя қилаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста ўғлонларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топиши йўлида "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шуҳрат қозонди?" деган масалаларга асосий эътиборини қаратиб келмоқда. Бу каби тадбирлар Ватан ҳимоячилари қалбида ватанпарварлик ва бурчга содиқлик туйғуларини янада кучайтиришга, уларнинг маънавий-маърифий фаоллигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги ғоят мураккаб, таҳликали ва қалтис замонда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ва бу борада эришган ютуқларимизни жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда. Ҳарбийларимизнинг ижтимоий-иқтисодий турмушини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати натижасида улар ҳаёти обод ва фаровон бўлиб бораётгани ҳар бир Ватан ҳимоячисида фахр ва ифтихор туйғусини оширмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди. Истиқлол фарзандлари — билимли, мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, нигоҳлари тийрак энг сара ўғлонлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётгани ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ишончли қўлларда эканидан далолатдир.

— Ҳарбий либос кийиш, Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни адо этиш ҳар бир йигит учун катта бахт, — дейди майор Лочин Расулов. — Ана шу бахтга муяссар бўлганимдан хурсандман. Зеро, биз мамлакатимиз мустақиллигини, юртимиз тинчлигини асрар эканмиз, ўз уйимизни, оиламизни асраган бўламиз.

Ҳа, бугун миллий армиямиз сафларида ана шундай мард ва мағрур, Ватанини улуғ, бурчини муқаддас деб билан баркамол йигитлар хизмат қилмоқда. Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, элюртига садоқатли, ватанпарвар инсонларга суянади. Миллий армиямиз ёшларни ана шу руҳда, шундай савияда тарбиялямоқда.

Тадбирда ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан бир гуруҳ ҳарбийларга эсдалик совғалари топширилди. Эл севган таниқли хонандаларнинг ватанпарварлик мавзусидаги куй-қўшиқлари тадбирга янада файз киритди.

Юрт посбонлари — миллат ғурури

Конституциямизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиши, шу билан бирга, Ватанимизни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бугун ҳар бир йигит учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, айни вақтда нуфузли ва шарафли ишга айланди. Муддатли ҳарбий хизматга олишда чақирилувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, жисмоний тайёргарлиги, соғлиғига эътибор қаратилиб, кўрик ва синовлардан ўтказилиши Қуролли Кучларимиз сафида жисмонан бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга йигитларнинг хизмат қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда Бухоро шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида "Ватан ҳимоячилари — миллат ғурури" мавзусида ташкил этган маънавий-маърифий тадбирда ҳам шу ҳақда сўз борди.

— Миллий армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланди, — деди тадбирда ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев. — Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз сарҳадлари ва халқимиз осойишталиги ҳимоясида собит. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак маданият қарор топган. Миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда. Шу боис ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётир.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир, ҳар томонлама ривожланган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан пухта, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз шакллантирилди. Ҳарбий хизматга лаёқатли ёшларни белгиланган синов ва танлов асосида саралаб олиш тизими йўлга қўйилгани, ушбу жараёнда чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий ихтисосликларни, замонавий ахборот-компьютер технологияларини ўзлаштириш қобилияти, билими ва интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани армиямизнинг мудофаа қудратини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни янада такомиллаштириш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари яхшиланган, 2009 йилдан бир йилда бир марта чақирувнинг жорий этилгани аскарларнинг хизматни сифатли ўташи ва ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича дастурларни пухта ўзлаштириши, замонавий ахборот технологияларига оид билимини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда ҳарбий қисмнинг энг намунали, ўз бурчига, касбига садоқат билан хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларига "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишонлари топширилди.

— Бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз, — дейди майор Неъматжон Одилов. — Барчамизни мамлакатимизга хизмат қилиш, уни турли таҳдидлардан асраш, Ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш истаги бирлаштириб туради. Шу боис Ватанимиз олдидаги ўз бурчимизни шараф билан адо этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этмоқдамиз. Юртдошларимиз доимо мусаффо осмон остида, фаровон ва гуллаб-яшнаётган мамлакатда бахтли ҳаёт кечирсин.

Усмон АБДУРАСУЛОВ
Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

MILLIY TIKLANISH
3 (435) 2017 йил 18 январь, чоршанба

Илм кунда синалади

“Илм кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилиши лозим”. Буюк аждодимиз, миллий салоҳиятимизнинг чексиз имконлари борасидаги далилларидан бири Абу Райҳон Беруниийнинг мазкур ҳикматини қанча кўп ўқиласак, шунча оз. Айниқса, ўзбек илм-фанининг XXI асрдаги тақдири муҳокама қилинаётган ҳозирги паллада. Масалага тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан ёндашсак, бугун биз аслида ўзбек давлати ва жамиятининг эртаси билан боғлиқ ўта муҳим, ҳал қилувчи босқичда турибмиз.

Ушбу исботталаб қилмайдиган ҳақиқатни қанчалар тез ва чуқур англаб етсак, фақат ютамиз. Шу маънода Мустақиллигимиз асосчиси, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги ўгитларини келтиришни жоиз, деб ўйлаймиз: “тараққиётнинг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир”. Бундан чиқди, мана тўрт ойдан ошиқроқ вақтки, мустақил ривожланиш давримизнинг кейинги босқичига қадам қўйган эканмиз, олдимизда кўндаланг турган чигалликларнинг оқилона ечимини топмасак, олға боролмаслигимиз, бошқалардан ортда қолиб кетишимиз ўз йўлига, рақобат соат сайин кучайиб бораётган бу дунёда ҳатто кундалик эҳтиёжларимизни қондиришга ҳам кучимиз етмай қолиши ойдек равшан. Негаки, қанчалар тарихий ва буюк, мураккаб ва қалтис, тотли ва самарали, чексиз мақтанса арзигулик бўлмасин, 1991 йилда бошланган чорак асрлик босқич ўтмишга айланди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда эса ўтмиш ютуқларига маҳлиё бўлиб яшолмаймиз ва бунга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев илк кунларданоқ қаттиқ киришган соҳа ва масалаларни умумлаштирсак, тўрт йирик йўналиш яққоллашади: давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва ташқи сиёсат. Уларнинг ҳар биридаги муаммо ва вазифаларнинг барчаси долзарб, аммо ўзбек илм-фанининг бугуни ва эртасига бағишланган мавзу ўзига хос, ҳал қилувчи, десак муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, давлат ва жамият бошқаруви ёки иқтисодиётми, ижтимоий ҳаёт ёки ташқи сиёсатми, эндиликда уларни замонавий билимли шахс омилидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, оламнинг пешқадам давлатлари, мана неча ўн йилдирки, тараққиётнинг асосий серунум омили — ўз ишининг усталари (профессионаллар), юксак ўқимишли шахслар, иқтисодий инновацияли фаолиятнинг барча турларида илмийлик ва билимни қамраб олган инсон капитали бўлмиш постиндустриал босқичда яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари илм-фан соҳасини ислоҳ қилиш масаласининг муҳокамасини айнан оқсоқоллар билан маслаҳатлашувдан бошлаганлари тасодифий эмас, деб ўйлаймиз. Зеро, мустамлака-совет режими, хусусан ўзбек миллати манфаатларини ҳимоя қилиш у ёқда турсин, ижодий эркинлик, ташаббус, рақобат, адолат каби илм учун ҳаводек зарур ёндашувлар йўқ, “марказ”, “партия”, “юқори” кўрсатмалари, “партбюро” назоратида ишлашга мажбурлик, дунё фани ютуқларидан деярли бехабарлик шароитида “игна билан қудуқ қазиган”, катта ҳаётий тажрибага эга кекса авлод ҳар қандай эъзозга лойиқдир. Ўзбекка қайишган академиклар Ҳабиб Абдуллаев ва Иброҳим Мўминовнинг аччиқ қисматлари, институт илмий режасини метрополия тасдиқлаб бериши каби қарамлик, ҳақсизлик бугунги ёш олимлар учун ғайритабиий ва ақлирасоликка тамомила тескари туюлиши табиий. Мустақиллик йилларида миллий илм-фанимизнинг бутунлай янгича ҳолатда ишни ташкил қилишда қийинчиликларга дуч келинганлигининг энг асосий сабаби ҳам аслида узоқ муддат сингиб, илдиз отиб бўлган қараш ва кўникишлардадир, деб санаймиз.

Биз мустамлака-совет режимидан мерос бўлиб ўтган, ўтган йиллар давомида нафақат бизда, балки собиқ метрополияда ҳам ўзини оқламаган (ўз илм-фан сиёсатини ўзгартиришга бел боғлаган Россия ҳукуматининг охирги йилларида Фанлар академияси билан бу борадаги муҳокама, тортишувларидан яхши хабардормиз) илм-фан тизимини сақлаб қоламизми ёки сўз кетаётган соҳада узоқ йиллардан бери оғизда эмас, амалда тенгсиз ва изчил ютуқлар, юксак чўққиларни эгаллаб, иқтисодиётини гуркиратиб, фуқаролари ҳаётини янада яхшилаб, давлати қудратини ошириб келаётган илғор мамлакатлардан ўрнак олиб, уларнинг тажрибасидан миллий манфаатларимиз йўлида фойдаланган ҳолда ўз тизимимизни яратишга киришамизми? Шахсан биз мана шунисининг тарафдоримиз. Илмга у ёки бу даражада алоқаси бор ҳар бир юртдошимиз ҳам худди шу фикрга қайишишига ишончимиз комил.

Барча соҳалар, жумладан илм-фан тизими ислоҳоти ҳақидаги баҳс ҳам аслида илмдир. Чунки илм турли қарашлар, ўзаро танқид, тортишувларни талаб қилади. Президентимиз тилга олинган учрашув орқали соҳада мавжуд муаммолар ечими бўйича фикр алмашиш, баҳслашиш, турли қараш, ғояларни юзага чиқариш дарвозасини ланг очиб бердилар, деб ўйлаймиз. Бизнингча бу энг оқилона йўл, сиёсатдир. Халқ билан оғизда эмас, амалда мулоқот қилиш, жамоатчилик назорати, суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, таълим, ишбилармонлик ва бошқа қатор соҳаларда муаммолар ўртага ташланиб, аччиқ бўлса-да, камчиликлар очиқ-ойдин ва баралла айтилаётган бир пайтда, фан тармоғи четда қолиши мумкинмас-ку ахир.

Донишманд халқимизда бир гап бор: қозонда бори, чўмичга чиқади! Ҳозирда давлатимиз учун ҳам, фуқароларимиз учун ҳам энг оғриқли масалалардан бири саналмиш энергетика соҳасини олайлик. Юртимизда электр энергияси билан боғлиқ муаммолар асосан объектив сабаблар билан боғлиқлиги тушунарли (мустамлака даврида барпо этилган умумий қувватнинг мустақиллик йилларида юзага келиб, кенг қулоч ёзган умумий истеъмолни қондира олмаслиги, техник-технологик жиҳатлардан эскирганлиги, самарадорлигининг пастлиги ва ҳоказо). Аммо муқобил энергияга ўтиш, сарфларни камайтириш, ҳисоб-китоб-назорат тизимининг техник ва технологик таъминоти бўйича ўтган чорак асрда илм-фанимиз қандай амалий таклиф берди? Паркентда Катта қуёш ўчоғи ишга тушибди, келажакда электр энергиясини ҳар бир уй томида ўрнатилган махсус қурилмалардан оладиган бўламиз, иссиқлик станциялари ҳам шу йўсинда ишлайди, катта миқдордаги газни тежаймиз, кўмир ёқиб ҳавони булғамаймиз, қабилидаги “рапортлар” янграганига ҳам ўттиз йиллар бўлди. Бугунга келиб шундай станциялар ҳақиқатан қурилмоқда, оз бўлсада шахсий хўжаликлар, уйларда ҳам митти қурилмалардан фойдаланилмоқда. Аммо улар четдан олиб келинмоқда. Не-не қийинчиликлар билан топилаётган валютанинг хузурини бошқалар кўрмоқда, технология нуқтаи назаридан биз уларга қарам бўлиб қолмоқдамиз. Ваҳоланки, муқобил энергия ишлаб чиқариш асримизда энг олди соҳасига айланиб бораётгани, хусусан, дунёда қуёш энергетикаси йилига 50 фоизлик ўсиш даражасини кўрсатаётгани яхши маълум. Шу маънода 2016 йил 8 май куни Германияда юз берган қуйидаги воқеа ўта диққатга сазовар ва кўп нарсага ишорадир. Қуёш чарақлаб, шамол эсиб турган мазкур кунда мамлакат бўйича истеъмол қилинган бутун энергиянинг 87 фоизини (63 Гвт дан 55 Гвт ини) табиатнинг айнан шу икки омили таъминлаб берган. Қуёшли кунлар борасида Ўзбекистон ва Германия имкониятлари солиштирилса, бизнинг фойдамизга эканлигини барча билади.

Коммунал соҳада энг оғриқли муаммолардан бири бўлмиш ўзаро ҳисоб-китобларнинг бир учи тўлов омилига боғлиқ бўлса, иккинчиси замонавий ўлчагичларга бориб тақалаётганлиги ҳам яхши маълум. Уларни биз Украина, Белоруссия ва Хитойдан олиб келмоқдамиз. Қачонгача саволига жавобни олимлардан бошқа яна кимдан кутиш мумкин? Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишга алоқадор, тўғридан тўғри илмга дахлдор шунга ўхшаш яна юзлаб муаммо ва мисолларни келтириш мумкин.

Тарихимиз, маданий меросимиз, улуғдан улуғ алломаларимиз ҳақида ҳақли тарзда кўп гапирамиз, жумладан, ушбу сатрлар муаллифи ҳам. Бироқ мана чорак асрдирки, давлатчилигимиз, илм-фан ва маданиятимиз ўтмишининг энг ёрқин босқичлари, воқеалари, шунингдек тарихий шахслари ҳаёти, фаолиятини, уларнинг кишилик маданий тараққиётига қўшган улкан улушини илмий-ҳаққоний-бадиий равишда, яъни исботи билан ёритиб берган биронта кино, театр, адабиёт асарини ярата олдикми? Йўқ! Нега? Бунинг учун олдин, мустамлака-совет режимида сингдирилган илмий қарашлардан, ўзга “авторитетлар”га сиғинишдан ҳоли, бир-ламчи манбалар таҳлилига асосланган илмий холис асарлар яратилиши лозим. Амир Темур деса, оғзимиздан бол томади. Лекин буюк бобомиз умри ва хизматлари, нафақат 2700 йиллик ўзбек давлатчилиги, балки жаҳон цивилизацияси тарихида залворли ва ҳеч ким инкор этолмайдиган из қолдирган темурийлар даври бўйича энг асосий манба ҳисобланмиш Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сининг илмий-изоҳли нашрини амалга оширолмаганимиз, холисона айтганда, жуда-жуда ачинарлидир. Ўтмишимизни тилга киритувчи ёзма манбаларнинг кўпчилиги форс, қолгани араб ҳамда араб имлосидаги ўзбек тилида битилгани шароитида замонавий манбашунасликсиз, мутахассисларнинг мазкур тилларнинг ўрта асрларга хос сирларини билағонлигисиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илмий, маданий, этник тарихимизни тўлақонли ва ҳаққоний ёритиб бўлмаслиги аён-ку! Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун Республика болалар кутубхонасининг kitob.uz сайти “История” рукнидаги, муаллифлари россиялик фан докторлари М.Н. Губогло, Ю.Б. Симченко бўлмиш “Происхождение Узбекского народа” мақоласидан (1524 марта ўқилган) қуйидаги биргина “кашфиёт”ни келтирамиз: “Узбеки в своем большинстве живут в Республике Узбекистан и составляют около **60 (?)** процентов населения”. Муаллифсиз “Амир Тимур” мақоласи (1695 марта ўқилган) эса қуйидагича бошланади: “Он, как говорит предание, родился с куском запекшейся крови в руке и с белыми как у старца волосами, такое же говорили о Чингисхане”. Мана сизга ёш авлод тарбияси! “Оммавий маданият” таъсири ҳақида минг гапирайлик, аммо бурнимиз тагидагисини кўрмасак, кўрсак ҳам кўрмаганга олсак, фалончига тегиб кетмасин, тугунчи ҳафа бўлмасин, пистончининг оёғини босиб олмай тағин, қабилидаги миллатни ҳалокатга бошловчи “қоидалар” ботқоғида ётаверсак, олимлигимиз бир чақага ҳам арзимайди, миллатсеварлигимиз сохта гап бўлиб қолаверади!

Замонавий илм-фан тизимининг марказида илмий фаолият — технологик, муҳандислик, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш мақсадида тегишли билимларни қўлга киритиш ва қўллашга қаратилган жараён туриши керак, деб ишонамиз. Негаки, изланувчининг салоҳияти ва меҳнат унумдорлигини юзага чиқарадиган бош бўғин айнан илмий фаолиятдир. Демак, ўз-ўзидан мазкур омилни баҳолаш механизмига эҳтиёж туғилади. Ушбу масалада дунёнинг илмий ривожланиш бўйича илғор давлатларининг кўп йиллик, ўрганса бўладиган ва унумли тажрибаси бор...

Илмий фаолият билан нафақат Фанлар академияси, олий ўқув юртлари, махсус марказларда, балки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам шуғулланиш мумкин ва керак. Ижтимоий-гумманитар йўналишларда эса бу ишни бирон муассаса ходими бўлмасдан, масалан, уйда ўтириб ҳам қилса бўлади. Ушбу ҳолат ижодий эркинлик, ҳамкорлик ва рақобатга асосланган, истеъдодларни юзага чиқариб берадиган “илмий фаолият бозори”ни самарали йўлга қўйишни тақозо этади. Бошқача айтганда, мазкур бозорнинг ҳар бир иштирокчиси тенг ҳуқуқ ва шароитларга эга бўлиши даркор.

Истеъдодларни ўз вақтида пайқаш, назоратга олиш, парваришлаш бир томондан оила-жамият муҳитида, иккинчи томондан таълим тизимида рўй бериши янгилик эмас. Ота-онанинг маърифат савияси, оммавий ахборот воситалари, айниқса телерадио каналлар, турли электрон манбалардан тўхтовсиз ёғилаётган маълумотлар оқимининг сифати муаммолари билан ўта жиддий ва оқилона шуғулланмасдан туриб кўзланган мақсадга етиш қийин бўлади. Бу худди баҳорда эътиборсизлик, укувсизлик қилган деҳқон кузда ҳосилсиз қолгандек гап. Демак, бу борада ҳам бир-бирига уйғун ва бир-бирини тўлдириб, прогрессия қоидасига биноан ривожланиб, такомиллашиб борадиган ва, албатта, замонавий қараш-лар, сабр-тоқат, заҳмат ва билим асосида қуриладиган кенг қамровли тизимга муҳтожмиз.

Таълим тизимида ҳам етарли даражада муаммоларимиз борлиги сир эмас. Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида унинг шакл-шамойилини ўзгартириш, асосий босқич ва йўналишларини белгилаб олишга эришдик ва бу улкан ютуқдир, бироқ ишга ёндашувларимиз эскичасига давом этиб келмоқда. Моҳият эътибори билан олганда, илм ва таълим тизимларидаги “касалликлар”нинг илдизи бир. Зеро, таълим ҳам аслида илм, унинг бошланғич босқичидир, илм эса таълим — ўрганишдир, фақат юқори, мураккаб даражаларда. Таълимнинг унуми илмда, илмники эса кундалик турмуш даражамизда синалади.

Илмий фаолият асосини фундаментал изланишлар ташкил этиши ҳам, ҳар бир фан йўналиши бўйича улар нималардан иборатлиги ҳам яхши маълум. Бу борада илғор хорижий тажриба қаторида ўзимизники ҳам бор. Қийини, мавжуд воқелигимиз шароитида илм-фан ютуқларини ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз, ривожланишимиз талабларига қарата олишдек оғир вазифани уддалашдир. Фикри ожизимизча, илм-фан тизимининг амалий ва ҳосилавий фаолияти давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт соҳаларида олдимизда турган узоқ, ўрта ва яқин муддатли режа ва вазифаларни бажариш билан узвий боғлиқ бўлиши даркор. Бу борада биргина мисол билан чекланамиз. Ватан ҳимоячиларига табрикда Президентимиз ҳарбий саноат мажмуасини барпо этишдек тарихий ташаббусни илгари сурди. Уни амалга ошириш илм билан боғлиқлиги, чуқурроқ қарасак, мазкур йўналишдаги илмий изланишлар натижалари, янги ашё ва технологияларни иқтисодиётда қўллашнинг мумкинлиги илғор давлатлар тажриба синовидан ўтибгина қолмай, катта наф келтириши ҳам кундек равшан.

Шу ерда ўз-ўзидан илмий фаолиятнинг бошқа тармоқлар билан боғлиқлигидек, бизнинг шароитда балким, энг оғриқли ва чигал муаммо юзага чиқади. Ижод эркинлиги, ташаббускорлик, рақобат, моддий манфаатдорлик, самарадорлик сингари омиллар баландпарвоз гаплардан нарига ўтмаган умуман мустамлака-совет режими, хусусан, фан тизимининг айрим сарқитлари мустақиллик йилларида ҳам сақланиб келганлигини тан олишимиз лозим. Ушбу мавзуда фикрлар турфалигини биламиз. Гапнинг пўсткалласини айтсак, илм ижтимоий ҳаёт, айниқса, таълим ва иқтисодиёт билан чамбарчас боғланмас экан, на униси, на бунисининг косаси оқармайди. Мазкур ҳақиқатни 1000 йил бурун англаб етган бобомизнинг ҳикматини мақола манглайига тамғалаганимиздан муддао ҳам аслида шундадир. Физика фанида машҳур олимдан, сиз учун энг оғир синов ва юмуш нима, саволига, талабалар қаршисида маъруза ўқишдир, чунки ўз йўналишимиздаги энг мураккаб муаммоларни биламан, улар бўйича жавоб, тахминларим ҳам бор, аммо талабалар қандай савол беришини олдиндан билмайман, уялиб қолишдан қўрқаман, деган экан. Шу ҳақда ёза туриб, бошимиздан ўтган бир воқеа эсга тушди. Илмий атеизм ўқитувчисининг, худо йўқ, ҳаммаси “буюк портлаш” ҳодисасидан кейин бошланган, қабилидаги ўқдиришига қарши, ундан олдин нима бўлган эди, саволимиз учун аудиториядан ҳайдалганимизни ҳам кулгу (чунки бечора домланинг бошқа иложи йўқ эди), ҳам чуқур ўй (ёлғон ва зўравонликка қурилган режимнинг узоққа бормаслиги) билан ёдга оламиз.

Илм ва таълим чамбарчаслигининг унумлилигига оид яна бир исбот шуки, масалан, биз ўқиган пайтларда Homo sapiens шаклланишида охирги икки босқич сифатида крўманйўн ва неандертал кўрсатилиб, Тешиктошдан топилган 8-9 ёшли бола (сўнгги тадиқотларга кўра ўқиз бола экан) қолдиғига ҳам урғу берилиб ўтиларди. Генетика изланишларига асосланган ҳозирги илм неандертални замонавий кишиларнинг аждоди эмаслиги хулосасини олға сурмоқда. Биз танишган дарсликларимизда эса мазкур янгича илмий ёндашувлар йўқ. Бу каби мисолларни етарлича келтириш мумкин. Таълим жараёнида фаол олим бир жойда қотиб қолмаслигидан ташқари ўзи ёки ҳамкасблари топган янгиликни тез кунларда ўқувчиларга етказиш, дарсни жонли ва қизиқарли ташкил этиш, шу тариқа ёшлар даврасида илмий муҳит куртакларини ундиришга эришади. Устига-устак олим-ўқитувчи ўқувчиларини ўз лабораторияси, конструкторлик бюроси, хуллас тадқиқот марказига олиб борса, жараён, етакчи олимлар билан таништирса, ёшларда илмга бўлган интилиш ошишига шубҳамиз йўқ (Учинчи курсдалигимизда, дарслари мароқли ёш фалсафа домламиз Бахтиёр Тўраев бизни ФА Шарқшунослик интитутига бошлаб бориб, ўша кезлари ижоди қайнаб турган, кейинчалик Улуғбек “Зиж”ини илмий муоамалага киритган Ашраф Аҳмедов билан учраштиргани, қўлёзмалар билан таништиргани олий таълимни битиргач айнан шу даргоҳга бориш ниятимизни янада кучайтиргани ҳақиқатдир).

Илм ва ишлаб чиқариш аро ҳамкорликнинг зарурати тўғрисида кимнидир кўндиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Узоққа бормасдан, тилга олинган учрашувда олимлар томонидан билдирилган таклифларнинг кўпчилиги ўз ишланмаларини ишлаб чиқаришнинг муайян тармоғида қўллашга йўналтирилганининг ўзиёқ бу борада ҳеч кимда ўзгача фикр йўқлигини исботлайди, албатта. Фақат бир шарти билан: янгиликни маъмурий йўл билан ишлаб чиқаришга татбиқ этиб бўлмайди. Бундай ёндашув ўзини оқламаганига тарих гувоҳ. “Чаққон оёққа кавуш топилади” деганларидек, бутунлай янги ёки анча яхшиланган маҳсулот, технология — инновация кўчада қолмайди. Ген-нокаут усули ёрдамида яратилган “Порлоқ” туркумидаги пахта нави фикримизнинг яққол исботидир.

Илм-фан ва иқтисодиёт ҳамкорлигини жадаллаштиришга оид яна бир омил бор: маҳсулот ва хизматларнинг самарадорлиги ва сифатига қўйилган талаб, андоза, кафолатларни кучайтириб бориш. Илғор давлатларнинг тажрибаси шу тариқа иқтисодиётимизнинг тегишли тармоқларини янги илмий ишланмаларни яратиш жараёнига жалб этиш, уларни бу борада манфаатдор ва жавобгар қилиш мумкинлигини исботлаб бўлган. Яъни қарс икки қўлдан чиқиши даркор.

Абу Райҳон Беруний бобомизнинг илмнинг фойдаси унинг ёрдамида олтин ва кумушни қўлга киритиш эмас, балки кишилар ҳаёти учун зарур нарсаларни яратишдадир, ҳикматлари негизида олимнинг фидоийлиги омили бор. Бироқ ҳаётнинг бошқа ҳақиқатлари ҳам мавжуд. Эркин жамият, танлаш ҳуқуқи устувор паллада туғилиб, ўсган ёш йигит-қизнинг замонавий қараш ва эҳтиёжларини инобатга олишга мажбурмиз. Лўнда айтганда, илмий даргоҳнинг моддий жозибадорлиги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларинкидан паст бўлмаслиги муҳимдир. Бошланғич босқичдаги даромад ўлчами тадбиркорлар таклиф қиладиган илк даражадан оқилона кам бўлмаслиги, бундан буёнги моддий рағбатлантириш унинг фаолияти натижаларига боғланган механизмларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ўта муҳим масалага алоқадор яна бир мавзу интеллектуал мулк ҳимоясини замонавий йўсинда амалда таъминлашдир. Тўғри, мазкур соҳада халқаро талабларга мос ўз миллий қонунчилигимизни яратдик, айрим янгича, лекин ҳали жуда ғўр қадамлар ҳам қўйилди. Умумий ва замон талаблари нуқтаи назаридан баҳо берсак, интеллектуал мулк ҳимоя тизимимиз ҳам эскича ишламоқдаки, қуйидаги икки мисол буни тасдиқлаб беради.

1949 йилдан бошлаб 30 йил давомида Япония ғарбликлардан 34 000 лицензия ва патент сотиб олиб, уларни такомиллаштириб ишлаб чиқаришга жорий қилиш баробарида йўл-йўлакай ўз илмий-техника мактабини ҳам яратиб борган. Мазкур стратегиянинг унумдорлиги умумий тарзда 400 фоизни, айрим соҳалар бўйича эса 1800 фоизгачани ҳосил қилган. Энг обрўли университет ва тадқиқот маркази сифатида тан олинадиган Массачусетс технология институти олиб борадиган патентлаш сиёсати натижасида тушадиган даромад шу даражадаки, агар мазкур даргоҳ алоҳида мамлакат деб қаралса, молиявий имконига кўра жаҳон мамлакатлари сирасида 26-ўринни эгаллаши мумкин экан.

Буюк Британияда илмий изланишларни ташкил қилиш ва ривожлантиришда муҳим ўрин эгалловчи, 1660 йили Лондонда тузилган Табиатга оид билимларни юксалтириш қироллик жамияти (бизнинг тушунчадаги Фанлар академияси, аммо нодавлат ташкилоти) бошданоқ “Nullius in verba”, яъни “Сўзларда ҳеч вақо йўқ” қоидасини ўз шиори сифатида эълон қилган. Бундан бир мақсад кўзланган: таъкид ва қуруқ сўзлар эмас, фақат тажриба ва ҳисоб-китобда исботини топган натижагина илмийликка даъвогар бўлиши мумкин.

Бирон нарса қўшишга киши ожизлик қилади...

Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари доктори, профессор

Фракция фаолияти

2016 йил якунлари сарҳисоб қилинди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Эшитув натижасида фракция тасарруфидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қўшма комплекс чора-тадбирлар режаси қабул қилинди ва у бугунги кунда ижро этилмоқда.

Шунингдек, 2016 йил 5 августда фракция ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида Маданият ва спорт ишлари вазирининг "Маданий мерос объектларини

муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳақида"ги ахбороти эшитилди. Мазкур эшитувга қадар фракция аъзолари жойларда маданий мерос объектларининг ҳолати, муҳофазаси, сақланиши юзасидан ўрганиш ишларини олиб борди, сайловчилар билан учрашувлар давомида маълумотлар тўпланди, тегишли мутасадди ва фуқароларнинг таклиф-мулоҳазалари эътиборга олинди. Ўрганишлар мобайнида соҳада муайян ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди. Парламент эшитувида мазкур масалалар атрофлича муҳокама этилиб, вазифалар белгилаб олинди. Эшитув якуни бўйича фракциянинг ишчи гуруҳи ташкил этилиб, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланиб, экспертлар гуруҳи муҳокамасига тақдим қилинди.

Фракция ўтган йилги фаолияти давомида ўз тасарруфидаги қўмиталар билан ҳамкорликда ҳудудларда назорат-таҳлил ишларини ҳам амалга оширди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан биргаликда 6 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, масъул ижро ҳокимияти идораларига тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Ҳисобот даврида фракция аъзолари парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам фаол иштирок этди. Жумладан, улар иштирокида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 8 қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, элликкa яқин қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида асосли нуқтаи назар ва таклифларини билдирди.

Маълумки, ЎзМТДП ва ЎзЛиДеП фракциялари биргаликда Демократик кучлар блокини ташкил этган. Йиғилишда фракциянинг Демократик кучлар блоки доирасидаги фаолияти ҳам муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, блок томонидан ўтган йилда 5 та кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди, бир нечта қонун лойиҳаси юзасидан Демократик кучлар блокининг нуқтаи назари шакллантирилди ва палата мажлисида қабул қилинишига эришилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси томонидан ҳисобот даврида 41 йиғилиш ўтказилиб, жами 154 масала кўриб чиқилди. Шу билан бирга, фракциянинг 2016 йилга мўлжалланган фаолияти асосий йўналишларига мувофиқ ва бевосита ташаббуси билан электорат манфаатларига хизмат қилувчи 53 тадбир ташкил этилди, уларда қонун лойиҳалари ҳамда Давлат дастурлари бўйича депутатлар амалга ошираётган ишлар тўғрисида ахборотлар берилди. Фракция аъзолари партия Марказий кенгаши ҳамда ҳудудий ташкилотлар ташкил этган тадбирлар, ўқув-семинар, давра суҳбати ва учрашувларда ҳам ўз маърузалари билан фаол иштирок этгани эътироф этилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари 2016 йил давомида ўз сайлов округларидаги фаолиятини самарали ташкил этишга, сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилишга алоҳида эътибор қаратдилар. Жойларда аҳоли билан ўтказилган мингдан ортиқ учрашувда 76 минг нафардан ортиқ сайловчи иштирок этди. Фракция аъзолари сайлов округларидаги фаолияти давомида мингдан зиёд фуқарони бевосита қабул қилиб, улар томонидан кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жойлардаги учрашувларда турли соҳа ва йўналишда 3 минг 200 дан зиёд мурожаат бўлди. Депутатлар аҳоли мурожаатларида кўтарилган таклиф, масала ва муаммоларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ҳокимлик ва давлат бошқаруви органлари билан биргаликда муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, сайловчилар мурожаатларининг 974 таси ўша жойнинг ўзида ҳал этилди, 521 тасини ҳал этиш юзасидан маҳаллий давлат органларига, 262 таси бўйича республика ташкилотларига сўров юборилди. Уларнинг ижроси депутатларнинг доимий назорати остига олинди, қолганлари партия ва фракция фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилди.

Йиғилишда фракция фаолияти танқидий таҳлил қилинди, самарали натижалар билан бирга, айрим камчилик ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти давомида партия электорати манфаатларига қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича етарли даражада ташаббускорлик сезилмагани, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорлик бугунги кун талаби даражасида эмаслиги таъкидланди.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари Абдурашид Тўхтабоев, Нодиржон Мухторов, Алишер Қодиров, Жамила Ниёзова, Акмал Умрзоқов, Акмал Раҳмонов, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев ва бошқалар фракциянинг ўтган йилги фаолияти сарҳисоби, бу йилги иш режаси хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жорий йил иш режасини ишлаб чиқишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги нутқида белгиланган вазифалар ҳамда илгари сурилган ғоя ва таклифлар инобатга олиниши айтилди. Фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ҳамда сайловчилар билан ишлаш борасидаги фаолиятини тубдан кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳамда партия ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда улар билан биргаликда иш олиб бориш, шунингдек, Демократик кучлар блоки доирасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Фракция таркибида тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини тубдан кучайтириш ҳамда кенгайтириш бўйича таклиф-тавсиялар ўртага ташланди.

Йиғилиш якунида фракция аъзолари билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида 2017 йилга мўлжалланган фаолиятнинг асосий йўналишлари юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Жамила НИЁЗОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги янги босқичи ҳар биримиздан катта масъулият, ўз фаолиятимизга жиддий ёндашувни талаб этади. Айниқса, биз депутатлар халқ вакили сифатида уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, ўйлантираётган масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Йиғилишда фракциямизнинг ўтган йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди, эришган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар, ваколатларимиздан етарли даражада фойдалана олмаганимиз очиқ-ойдин айтилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги нутқида белгиланган вазифалар, жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани, Президентимиз фармони билан Халқ қабулхоналари ташкил этилгани фракциямиз фаолиятини янада кучайтиришни тақозо этади. Бунда, айниқса, партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан яқин ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонун кучга кирди

Мамлакатимизда тарихан қисқа давр ичида кўплаб соҳада қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари сингдирилди. Бунга, айниқса, шу йилнинг 4 январидан кучга кирган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун яққол мисол бўла олади.

Коррупцияга қарши курашишнинг

ҳуқуқий асослари янада такомиллашди

Мамлакатимиз 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2003 йил 3 октябрь) ратификация қилган, 2010 йилда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилди. Сўнгги йилларда Бюджет ва Божхона кодекслари (янги таҳрирда), "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинганлиги коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлади.

Яқинда амалга киритилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун эса ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда илғор хорижий тажриба асосида тайёрланган бўлиб, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Қонунда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларини этиб белгиланди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган ҳамда ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қайд этилди. Энг муҳими, қонунда назарда тутилган меъёр ва тартиб-қоидалар коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонуннинг яна бир эътиборга молик жиҳати – унда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва иштирок этувчи орган ҳамда ташкилотларнинг доираси ва ваколатлари белгилаб қўйилди. Коррупцияга қарши курашувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика ҳамда ҳудудий идораларо комиссиялар тузилади. Уларнинг фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар иштироки ҳам назарда тутилган.

Коррупцияга қарши курашишда, айниқса, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қонуннинг 3-бобида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий таълим-тарбияни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётлар воситасида зарур чора-тадбирлар кўрилиши белгиланди. Шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўриши, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни, мутахассисларни касбий тайёрлаш сифатини юксалтириш, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга эътибор қаратилиши назарда тутилди.

Қонунда коррупцияни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик, маъмурий тартиб-тамойиллар, давлат харидларини амалга ошириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга доир йўналишларни қамраб олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилишининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлангани бу борадаги ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиш эҳтимолини прогноз қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда коррупция соҳасида тадқиқотлар ўтказилишининг ҳуқуқий механизмлари ҳам ўз аксини топган. Унга мувофиқ, коррупциянинг ҳолати, хусусияти, тенденциялари, унга қарши курашиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.

Мазкур қонуннинг амалга киритилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари янада самарали ҳимоя қилинишида қўшимча ҳуқуқий кафолатлар яратади, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузлар, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашади, пировардида жамиятда ишчанлик муҳити, соғлом рақобат шаклланади, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошади.

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг мақсади, мазмун-моҳияти Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган давлат бошқаруви органларининг фаолиятидаги таъмагирлик, коррупция, маҳаллийчилик ва қариндошуруғчиликка, қоғозбозлик, фуқароларнинг эҳтиёжларига нисбатан лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга барҳам бериш, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ҳар томонлама ошириш каби вазифалар билан уйғун ва ҳамоҳанг. Мадомики шундай экан, ЎзМТДП аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим-тарбиянинг ҳолати, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифати, таълим дастурларининг доимий равишда такомиллаштирилиб борилиши бўйича парламент назорати институти механизмларидан самарали фойдаланишга интилади. Ушбу мақсад-вазифалар, ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатининг амалга оширилишига хизмат қилади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Депутат фаолиятидан

Самарадорлик — бош мезон

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида инсон манфаатлари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, хусусан, мурожаатлар билан ишлаш ва уларга ечим топиш бўйича қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар ишини янада фаоллаштириш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳудудларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда депутатларнинг иштирокини кенгайтириш долзарб вазифалардандир. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Навбаҳор Нурёғдиева ўз зиммасига ана шундай залворли масъулият юклангани теран англайди.

Ўтган 2016 йил давомида депутат фуқаролар мурожаатлари асосида ўнга яқин ташкилотга депутатлик сўрови киритди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди: аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топилди. Депутатнинг, айниқса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг маслаҳатчилари билан биргаликда олиб бораётган ишлари яхши самара бермоқда.

Мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор ўғил-қизларимизнинг турли нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишларида муҳим омил бўлаётир. ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам бу борада аниқ мақсад-вазифалар белгиланган. Депутат ушбу йўналишдаги дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, вилоят хотин-қизлар қўмитасига Миришкор туманидаги таълим муассасаларида бадиий гимнастика тўгаракларини ташкил этиш юзасидан депутатлик сўрови киритди. Мазкур сўров натижасида тумандаги Жейнов болалар спорт мажмуаси, 1-умумтаълим мактаби ҳамда туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика тўгараклари ташкил этилди. Уларда айни пайтда 300 нафарга яқин қиз ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

— Бадиий гимнастикага болалигимдан қизиқардим, лекин мактабимизда шуғулланиш учун етарли имконият йўқ эди, — дейди тумандаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Рухшона Исоқова. — Спорт тўгараги ташкил қилингани мен каби қизлар учун айни муддао бўлди. Олти ойдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланяпман. Бу спорт тури қизларни жисмонан ва руҳан соғлом, лобар, иродали этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, депутат саъй-ҳаракати билан Миришкор туманидаги 31-умумтаълим мактабида қизлар футбол жамоаси тузилди, 2017 йилги ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига 140 ўринли ёпиқ сув ҳавзаси қуриш лойиҳаси киритилди.

Партия сайловолди Платформасида аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш борасида қатор мақсад-вазифалар белгиланган. Шу боис депутат аҳоли, хусусан, хотин-қизларнинг оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш борасидаги мурожаатларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, тумандаги Олтинбошоқ қишлоғида яшовчи Рухшона Жўраеванинг мева-сабзавот етиштириш ва парандачилик билан шуғулланиш учун ер ажратишни сўраб қилган мурожаати асосида туман ҳокимлигига киритилган депутатлик сўрови ижобий ҳал бўлди: 5 гектар ер ажратилиб, "Рухшона фариштаси" фермер хўжалиги ташкил этилди.

Яна бир мисол. Аланг қишлоғи аҳолиси депутатга ҳудудга ҳамшира бириктирилишини сўраб мурожаат қилди. Туман шифохонасидан тахминан 7-8 километр узоқликда жойлашган қишлоқ аҳлининг мурожаати асосида депутат туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига депутатлик сўрови киритди ва бу масала ҳам тезда ҳал бўлди.

— Халқ ўзи сайлаган депутатга катта ишонч билан қарайди, — дейди Навбаҳор Нурёғдиева. — Шу боис ана шу ишончни оқлаши, халқнинг бугуни ва эртаси билан яшашни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб билмоғимиз лозим. Давлатимиз раҳбари биз депутатларга юксак ишонч билдирмоқда, зиммамиздаги масъулиятни янада чуқур идрок қилишимизга ундамоқда. Хусусан, 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани биз депутатларни бундан-да фаол ва ташаббускор бўлишга, юртимиз равнақи ва юксалишига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
3 (435) 2017 йил 18 январь, чоршанба

Китоб ва китобхонлик — инсон маънавияти кўзгуси

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Айниқса, ёшларнинг бахту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди.

Бу ҳақда сўз борганда, Истиқлол бизга китобхон халқ деган азалий юксак мавқеимизни нафақат қайтариб бергани, айни чоғда, бу борадаги интеллектуал салоҳиятимиз ва имкониятларимизни тубдан оширишнинг асосий омили ҳам бўлганини таъкидлаш лозим. Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ижодкорларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўтган даврда матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Хусусан, бу борада 10 дан ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ қонуности ҳужжати қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январда имзоланган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ана шу эзгу ишларни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилганлиги билан ғоятда аҳамиятлидир.

Фармойишда қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ишлаб турибди. Истиқлол даври архитектурасининг ноёб иншооти — пойтахтимиздаги муҳташам "Маърифат маркази"да жойлашган Миллий кутубхона фондида қарийб 8 миллионта китоб ва бошқа манбалар, жумладан 450 мингтадан ортиқ китобнинг электрон версиялари, электрон дарслик ва қўлланмалар мавжуд. Электрон кутубхонанинг маълумотлар базаси ўзбек, рус ва инглиз тилларида яратилган. Шунингдек, 14 та вилоят ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот-ресурс маркази томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ушбу салмоқли далилни таҳлил этишда, албатта, юртимизда ахборот-кутубхона марказлари кўрсатадиган хизматлар учун белгиланган солиқ имтиёзлари 2020 йил 1 январгача узайтирилганини алоҳида қайд этиш зарур. Негаки, бу имтиёзлар ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, ёшларда китоб ўқишга қизиқишни кучайтириш, жамиятда муҳим ва ишончли ахборотларни тарқатиш борасидаги ролини янада юксалтириш имконини беради.

Бундан ташқари, агар 1991 йилга қадар республикамизда атиги тўққизта нашриёт фаолият кўрсатган бўлса, орадан чорак аср ўтиб, уларнинг сони 118 тани ташкил этмоқда. Мустақилликка бўлган даврда 149 та матбаа корхонаси мавжуд бўлгани ҳолда, ҳозирги кунда бундай корхоналар ўн баробардан зиёд кўпайиб, 1 минг 677 тага етди. Бу, ўз навбатида, халқимиз эҳтиёжлари учун жуда кўплаб ва ранг-баранг асарлар — йилига 7 та тилда 45 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этиш имконини бермоқда.

Энг муҳими, юртимизда ноширлик ва матбаа ишларини ривожлантиришга, матбаа корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида китоб маҳсулотларини чоп этиш кўлами ва сифати тубдан ошди. Бунинг натижасида бугунги кунда китобхонлар қўлига етиб бораётган китоблар ҳам шакл, ҳам мазмун нуқтаи назаридан давр талабларига, демакки юртдошларимизнинг замонавий эстетик дидига тўла жавоб беради, дейиш мумкин.

Юртимизда китоблар нашри билан бир қаторда, уларнинг савдоси ва тарғиботига қаратилган таъсирчан амалий қадамлар ҳам қўйилмоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда "Китоб олами", "Шарқ зиёкори" ва "Ўздавкитобсавдотаъминоти" мажмуалари томонидан китоб савдоси хизмати кўрсатилмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда ягона бўлган "Китоб олами" мажмуасига қарашли замонавий китоб дўконлари нафақат Тошкент шаҳрида, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳам ишлаб турибди.

Мамлакатимизда "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида ҳар йили республика "Китоб байрами" тадбирларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Айтиш жоиз, ушбу маънавий-маърифий тадбир давлатимиз томонидан адабиётни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва эришилаётган натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш, халқимиз, жумладан, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, ижодкорлар ва китобхонлар ўртасидаги мулоқотни яхшилаш, китобга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплашда ўз самараларини бермоқда.

Шу билан бирга, Президент фармойишида ушбу муҳим соҳа ривожи билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги қайд этилган. Бу камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш белгиланган. Дастур лойиҳасини тайёрлайдиган ишчи гуруҳ ва кичик ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланган.



Фармойишда, авваламбор, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаганига жиддий эътибор қаратилгани ниҳоятда муҳимдир.

Мисол учун, кейинги йилларда "Янги аср авлоди" нашриёти ташаббус билан чиқиб, биргина "Камолот" кутубхонаси" рукнида миллий адабиётимиз нодир намуналаридан 50 та ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан 50 та китобни нашрдан чиқарди. Бу, албатта, эзгу иш. Айни чоғда, агар юртимиздаги ҳар бир таълим муассасасининг кутубхонаси учун ана шу 100 та китоблик туркумдан атиги биттадан комплект харид қилинганида ҳам, бу эзгу ташаббус муайян маънода ўзининг ижобий натижасини берди, дейиш мумкин эди. Аммо, бу борадаги ишлар, чиндан ҳам, "пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмагани" оқибатида, нашриёт мазкур китобларни фақат эркин савдо учун чекланган ададларда (атиги 1000, кўпи билан — 5000 нусха) чиқариш билан кифояланишига тўғри келди.

Яна бир мисол. Маълумки, дизайни чиройли ва замонавий, мазмуни эса қизиқарли бўлган китоблар эндиликда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятлар марказларида ҳам чоп этилмоқда. Лекин бу китоблардан Тошкент шаҳридаги ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги китобхонлар баббаравар баҳра олишига амалий кўмаклашиш ишлари ҳозирча эътибордан четда қолмоқда.

Фармойишда, шунингдек, чоп этиладиган китобларни нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими суст ривожланган, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларидан кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилмагани алоҳида кўрсатилган. Бу бежиз эмас. Нега деганда, ахборот-коммуникация технологиялари кундалик турмушимиздан кенг ўрин эгаллаётган бугунги кунда юртдошларимизда китобга меҳр уйғотиш, уларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш борасида ана шу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув даврида ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборот технологияларининг бу қадар жадал тараққий этиши китобхонликка ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бугун жаҳондаги кўпгина босма нашрларнинг адади камайиб, уларнинг онлайн версияси кўпроқ ўқилмоқда. Дунёнинг энг бой кутубхоналарида сақланаётган босма манбаларнинг аксарияти электронлаштириб бўлинди. Бу жараёнлар мамлакатимиздаги кутубхонларда ҳам изчил кечмоқда.

Айни чоғда, электрон китоб қурилмалари ишлаб чиқариш кун сайин ўсиши натижасида маҳсулот нархи арзонлашиб, улардан фойдаланиш имкониятлари эса кенгайиб бормоқда. Авваллари бундай қурилмаларда махсус форматдаги китобларнигина ўқиш мумкин эди, эндиликда уларда сурат ва видео томоша қилиш, аудиоматериаллар эшитиш функцияси ҳам мавжуд.

Замонавий электрон қурилмалар ҳатто дангасароқ ўқувчилар учун китоб матнини ўзи ўқиб беради. Шу тариқа нархи арзон, фойдаланиш учун қулай, кам жой банд этадиган ва безиён виртуал китобларнинг тобора оммалашиб бораётгани, ўз-ўзидан, "Қоғозда чоп этилган китобларнинг келажаги борми?" деган ҳақли саволни келтириб чиқараётгани ҳам сир эмас.

Шу ўринда истиқлол арафасида ва мустақиллигимизнинг дастлабки даврида айрим юртдошларимизда китобга, китобхонликка қизиқиш бир қадар сусайган вақтлар бўлганини эслайлик. Ҳозирги пайтда юртимизда китобхонлик, китобсеварлик фазилати яна юксалиб бормоқда. "Китоб жавони — ҳақиқий зиёлининг энг ардоқли давлати", деган анъана қайтадан урф бўлмоқда.

Айтмоқчимизки, Интернет ва бошқа воситалар жадал ривожланаётганига қарамай, инсоннинг онг ва тафаккурини чархлаш, маънавий оламини бойитиш, эзгуликни тарғиб этишда босма китобнинг ўрни бундан кейин ҳам сақланиб қолаверади. Бинобарин, китоб асрлар давомида ахборот сақловчи энг самарали восита вазифасини бажарган. Қолаверса, минг йил олдин Самарқанд қоғозида битилган қўлёзмалар ҳозир ҳам инсониятга маърифат нурини сочмоқда.

Зеро, китоб — қалб чироғи, тафаккур қаноти. Айниқса, босма китобдан таралаётган ва электрон нашрдан топиб бўлмайдиган ўзига хос ёқимли ҳидни туйиб, варақлаш асносида мўъжизавий саҳифаларнинг сирли шитирлашидан кўнгил чексиз завққа тўлган ҳолда, китоб мутолаа қилиш, унинг мазмуни ҳақида тенгдошлар билан фикрлашишнинг ҳузур-ҳаловати тамоман ўзгачадир.

Соҳибқирон Амир Темур таъбири билан айтганда, "Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир". Шу маънода, шаклидан қатъи назар, барча китоблар миллий ўзлигимиз ҳамда умуминсоний қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилиши айни муддао.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башарият эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, фармойишда ноширлар ва адибларни молиявий рағбатлантириш, болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш ва моддий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш назарда тутилгани ҳам жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида, эл-юртимизга азалий хос бўлган одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб қадриятлар, инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик каби юксак тамойиллар замондошларимиз қўлига етиб бораётган китобларнинг аҳамияти ҳамда қадрини йўқотмайдиган бош мавзулари бўлиб қолаверишига ишончимиз комил.

Шу ўринда халқимиз орасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш ҳамда китобсеварлик анъаналарини рағбатлантиришга қаратилган қуйидаги таклифларни билдирмоқчимиз:

биринчидан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидаги "Китоб музейи" негизида бу соҳа тарихий ривожининг барча қирраларини ўзида намоён этадиган "Китоблар тарихи музейи" ташкил этиш;

иккинчидан, мамлакатимиздаги барча нашриёт ва матбаа корхоналари нашр этган янги китоблар рўйхатини, ҳар бир китоб ҳақидаги мухтасар шарҳ билан бирга ҳар ойда эълон қилиб борадиган, "Библиофил" нашрига ўхшаган даврий нашр (ёхуд Интернет-нашр) таъсис этиш;

учинчидан, бевосита китобларни тарғиб қилиш, китобхонлик ва китобсеварликни рағбатлантириш билан шуғулланадиган, масалан китобхонлар жамиятининг замонавий кўринишидаги алоҳида нодавлат нотижорат ташкилоти тузиш;

тўртинчидан, аввал ҳам айтганимиздек, "Тошкент — жаҳон китоблар пойтахти" мақомини олиши учун ҳар томонлама изчил иш олиб бориш;

бешинчидан, ҳар йили машҳур эртакчи адиб Ганс Христиан Андерсен туғилган куни, яъни 2 апрелда нишонланадиган "Болалар китоблари халқаро куни", 1995 йили ЮНЕСКО конференциясида қабул қилинган "23 апрель — Бутунжаҳон китоб ва муаллифлар ҳуқуқлари куни", "14 февраль — Китоблар совға қилиш халқаро куни" каби дунё миқёсидаги саналарни Ўзбекистонда ҳам кенг нишонлаш лозим.

Шу билан бирга, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси асосида "Миллий тикланиш" кутубхонасини ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бўлажак кутубхонадан мумтоз ва замонавий адибларимизнинг китоблари, шунингдек, дунё адибларининг сара асарлари, хусусан, "Жаҳон адабиёти дурдоналари" тўпламининг биринчи ва яқинда нашрдан чиқадиган иккинчи китоблари, Георг Генделнинг "Амир Темур" операси каби нашрлар ўрин олиши лозим, деб ўйлаймиз.

Партиямиз фаоллари жойларда ўтказадиган "Йилнинг энг яхши китоби", "Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши болалар китоби" каби танловлар ҳамда турли маданий-маърифий тадбирларда "назм ва наво" анъаналарини янада ривожлантириш зарур. Яъни, бундай анжуманларда санъат аҳли қаторида шоиру адиблар, драматург ва сценарийнавислар иштироки учун кенг имконият яратиш айни муддаодир.

Шунинг баробарида, ота-оналар мунтазам равишда ўз фарзандларини китоб дўконларига олиб боришлари, уларнинг кутубхонага қатнашини рағбатлантиришлари даркор. Китоб совға қилиш анъанасини кенг жорий қилиш керак. Ҳозирги кунда юртдошларимиз орасида байрам, тўй ва туғилган кунларда китоб совға қилиш оммалашиб бораётган бўлса-да, айримлар ҳалигача китоб ҳадя этишдан ор қилади, уялади. Ваҳоланки, китобдан улуғ совға борми?!

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг фармойишида белгиланган вазифалар, бир томондан, азалдан китобсевар халқимиз, шу жумладан ёшларимизнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш юзасидан ҳозирги замон талаблари даражасида жуда кенг имкониятлар яратишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, яқин вақт оралиғида Ўзбекистонимизнинг том маънода китобхонлар юртига айланишига хизмат қилади.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Қонунийлик ва фидойилик — бош мезон

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу жараёнда прокуратура тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди.

Шу йилнинг 7 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Прокуратура ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашувида бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишлари атрофлича муҳокама этилди, асосий мақсад-вазифалар белгилаб олинди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, инчунун, халолликни талаб этади. Улар қабул қилаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шу боис бу борада "етти ўлчаб бир кесиш" асосий мезон бўлиши лозим.

Президентимиз учрашувда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, "тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор", деб таъкидлади. Бу бежиз эмас. Зеро, прокуратура органлари бугунги замон талаблари билан ҳамоҳанг ишлаши, юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиши, керак бўлса, ҳар бир тадбиркор ёки фуқаронинг ишонган суянчиғига айланиши лозим.

Учрашувда ўтган йили ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига фуқаролардан кўплаб мурожаат келиб тушгани ва улар орасида прокуратура соҳасига тегишлилари ҳам талай экани алоҳида қайд этилди. Дарҳақиқат, одамларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг дардига қулоқ тутиш ва ўз вақтида ҳал этишга кўмаклашиш борасида ҳали анча камчиликлар мавжуд. Буни виртуал қабулхонага келаётган мурожаатлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бу борадаги ишлар самарадорлигини тубдан яхшилаш, аҳоли билан мулоқот қилишнинг янги, замонавий усулларини жорий этиш ва кенг фойдаланиш соҳадаги энг долзарб масалалардандир. Тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишига айланиши жоиз. Айниқса, бу йилдан эътиборан прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши, вилоятларда прокурорларнинг иши ойлик рейтинг бўйича баҳолаб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, амалдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Бундан ташқари ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва уларнинг ишлаш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан прокуратура органларининг зиммасига юклатилган вазифалар самарали бажарилаётгани устидан мунтазам парламент назорати амалга оширилади. Бунда, айниқса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш тўғрисида"ги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенати Кенгашларининг қўшма қарори ижроси сўзсиз таъминланиши муҳим ўрин тутади. Бу каби устувор вазифаларнинг ўз вақтида, самарали бажарилиши аҳоли манфаатларини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, пировардида, халқ фаровонлигига эришишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Бизнинг шарҳ

Перу парламенти

бир палатали бўлиб, унда беш йилга сайланадиган 130 депутат фаолият юритади

Перу Республикаси Жанубий Америкасининг ғарбий қисмида жойлашган. Майдони — 1 миллион 285,2 минг квадрат километр. Аҳолиси — 31 миллион 586 минг киши. Пойтахти — Лима шаҳри. Шимолий-ғарб томондан Эквадор, шимолдан Колумбия, шарқдан Бразилия, жанубий-шарқдан Боливия ҳамда Чили билан чегарадош. Ғарбий қисми Тинч океанига туташ. Маъмурий жиҳатдан 25 департаментга бўлинади. Амалдаги Конституцияси 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Республика Конгресси (бир палатали парламент), ижро ҳокимиятни Президент ва Вазирлар кенгаши амалга оширади.

Республика Конгресси 1995 йилга қадар икки палатали — Вакиллар палатаси ҳамда Сенатдан иборат бўлган. Айни пайтда эса бир палатали парламентда беш йил муддатга сайланадиган 130 депутат фаолият олиб бормоқда. Парламентга 2016 йилнинг 26 июлидан Луз Сальгадо раислик қиляпти.

25 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин. Вазирлар, вазир ўринбосарлари, Бош назоратчи, Конституциявий суд, Бош прокуратура идораси, Миллий сайлов кенгаши ходимлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, Марказий банк раиси, Солиқ хизмати миллий назоратчиси, Қуролли кучлар ва Миллий полиция аъзолари ҳамда Конституцияда назарда тутилган бошқа шахслар депутат сифатида сайланиши мумкин эмас.

Депутатлар ўз фаолиятини амалга ошираётган бир пайтда бошқа лавозимни эгаллаши ёки бошқа касбий фаолият билан шуғулланиши тақиқланади. Шунингдек, парламент рухсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олинишига йўл қўйилмайди. Конгресс ўз ички тартиб-қоидаларини ўрнатади, қўмиталарини тузади, иқтисодий масалалар, жумладан, бюджетини қабул қилади.

Парламент қонунлар қабул қилиш, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки бекор қилиш, амнистия актини қабул қилиш, Президент тавсияси билан Бош назоратчини тайинлаш, Марказий банк раиси, Банк, суғурта компаниялари ва хусусий нафақа фондларини бошқариш бўйича назоратчи тайинланганини тасдиқлаш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, давлат бюджетини қабул қилиш каби ваколатларга эга.

Парламентда камида олти аъзога эга сиёсий партия ёки коалиция фракцияга бирлашиши мумкин. Ҳар бир фракция ўз аъзолари амал қиладиган тартиб-қоидаларни белгилайди ва раҳбарини сайлайди.

Нафақат парламент депутатлари ёки Президент, балки бошқа давлат ҳокимияти органлари, мухтор давлат идоралари, минтақавий ва маҳаллий ҳукумат ҳамда касаба бирлашмалари ҳам ўз йўналишларига доир қонун лойиҳасини илгари суриш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Парламент мажлисида ҳозир бўлган депутатларнинг ярмидан кўпи овоз берган қонун қабул қилинган ҳисобланади. Парламент қабул қилган қонун Президентга тақдим этилади. Президент уни ўн беш кун ичида кўриб чиқиб имзолайди. Президент қонунни ўз эътирозлари билан парламентга қайтаришга ҳақли. Агар депутатлар таркибининг ярмидан кўпи қайтган қонунни қайта маъқулласа, қонун қабул қилинган ҳисобланади. Қонун расмий босма нашрларда эълон қилинганидан сўнг кучга киради.

Республика Конгресси ҳукумат ёки вазирларга нисбатан ишончсизлик билдириши мумкин. Ишончсизлик вотумини депутатлар таркибининг камида 25 фоизи илгари суради ва мазкур масала юзасидан овоз берилади. Депутатларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берса, ишончсизлик вотуми қабул қилинган саналади.

Перу сайлов қонунчилигига мувофиқ, 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқароларнинг сайловда иштирок этиши мажбурий. Сайлов тизимига Миллий сайлов кенгаши ва комиссияси, Фуқаролик ҳолати актларини рўйхатдан ўтказиш бўлими жавобгар ҳисобланади.

Миллий сайлов кенгаши овоз бериш, сайлов, референдум, умумхалқ сўровномаларининг қонунга мувофиқ ўтишини назорат қилиш, уларнинг натижаларини маълум қилиш, сайловда ғолиб чиққанларни эълон қилиш ва мандат топшириш ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради. Миллий сайлов кенгаши сайловга доир қонун ташаббуси, ижро ҳокимиятига сайлов учун бюджет лойиҳасини илгари суриш ҳуқуқига эга. Миллий сайлов кенгаши олий органи — ялпи мажлис. Унинг таркиби беш кишидан иборат бўлади. Ялпи мажлис аъзолари 45 ёшдан кичик, 70 ёшдан катта бўлиши мумкин эмас. Улар тўрт йил муддатга сайланади.

Ўтган йилнинг 10 апрелидан 5 июнигача Перуда умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди. Унда Президент, вице-президент ҳамда парламентга депутатлар сайланди. Президент сайловида "Перуликлар тараққиёт сари" партиясидан ўз номзодини илгари сурган Педро Пабло Кучински иккинчи турда сайловчиларнинг 50,12 фоиз овозини қўлга киритиб, ғалаба қозонди. У ўз сайловолди дастурида тадбиркорликни ривожлантириш, солиқларни камайтириш, янги иш жойлари ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида полиция ходимларининг маошини ошириш каби мақсад-вазифаларни илгари сурди.

Республика Конгресси депутатлари 25 кўпмандатли округ бўйича партия рўйхати асосида сайланади. Сўнгги парламент сайловида консерватив йўналишдаги "Халқ кучи" партияси 73 мандатни қўлга киритиб, ғалаба қозонди. 20 мандатга эга бўлган "Кенг фронт" партияси иккинчи, неолибераль йўналишдаги "Перуликлар тараққиёт сари" партияси 18 ўрин билан учинчи ўринни қўлга киритди.

Рангин дунё

Дарҳақиқат, Испаниянинг "Барселона" клуби стадиони — "Камп Ноу"ни қайнаётган қозонга қиёслаш мумкин. Ўйин пайтида мухлислар билан тўлиб-тошадиган стадионни кузатиб, бу фикрда қайсидир маънода жон борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ўз бағрига 99 минг 354 мухлисни сиғдира оладиган бу стадион нафақат Испания, балки Европадаги энг кўп сиғимга эга, ҳашаматли спорт иншоотларидан саналади. У мухлислар сиғими бўйича дунёда 12, фақат футболга мўлжалланган стадионлар орасида Мексикадаги "Ацтека" ўйингоҳидан кейин иккинчи ўринда туради. Ушбу ўйингоҳ кўҳна қитъадаги УЕФА рўйхатига киритилган беш юлдузли стадионлардан биридир.

"Қайнаётган қозон"

футбол мухлислари "Камп Ноу" стадионини ана шундай аташади

"Камп Ноу" стадионида жаҳон ва Европа чемпионатлари, 1992 йилги Олимпия ўйинларининг футбол бўйича мусобақаси ўтказилган. Бундан ташқари, бу ерда тез-тез концерт томошалари ташкил этилади. Хусусан, бир пайтлар бу ерда Фрэнк Синатра, Майкл Жексон сингари дунёга машҳур хонандалар қўшиқ куйлаган.

Стадион қурилиши тарихи "Барселона" клуби собиқ президенти Франсеск Миро-Санс номи билан боғлиқ. У клуб бошқарувини қўлга олган пайтда жамоанинг "Camp de Les Corts" деб номланган ўйингоҳи ўша вақтда жамоа эгаллаган мавқега тўғри келмай қолганини ҳис этади. Қолаверса, бу пайтда жамоанинг асосий рақиби — Мадриднинг "Реал" клуби янги "Estadio Chamartin" (кейинчалик "Сантьяго Бернабеу") стадионида жавлон ураётган эди. Янги спорт иншооти лойиҳасини тайёрлаш вазифаси таниқли меъмор Франсеск Митжансга топширилади. 1953 йилнинг март ойида стадионга тамал тоши қўйилади. Даставвал ўйингоҳ қурилиши учун 67 миллион песет маблағ ажратилади. Бироқ футбол майдони тушадиган жойнинг тупроғида юзага келган муаммолар қурилишнинг чўзилишига, сарф-харажатларнинг ошишига олиб келди.

Стадионнинг очилиш маросими 1957 йилнинг 24 сентябрида бўлиб ўтди. "Барселона" шу йилдан эътиборан эски стадионидан воз кечиб, ўзининг мезбон сифатидаги ўйинларини янги ўйингоҳда ўтказа бошлади. Ўйингоҳнинг очилиш маросими доирасида "Барселона" ҳамда Польшанинг "Легия" жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилган. Ўйин 4-2 ҳисобида "кўк-анорранглилар" фойдасига ҳал бўлади. Мезбонлар жамоаси вакили Эулохио Мартинес стадион тарихидаги илк голга муаллифлик қилади. Ўйингоҳ тарихидаги илк расмий учрашув 1957 йил 6 октябрда ўтказилади. Унда мезбонлар ўз майдонида "Реал Хаэна" жамоасини қабул қилади. Мухлислари бахтига мезбонлар рақиб жамоа устидан 6:1 ҳисобида ғалаба қозонади. Голларга Вилаверде, Тэхада, Кубала ҳамда Эулохио Мартинес муаллифлик қилган.

Стадион фаолият кўрсата бошлаганида 90 минг мухлисни сиғдира олиши билан дунёдаги энг йирик спорт иншоотларидан саналган. Уни аввалига "Барселона" клуби асосчиси Ганс Гампер номи билан аташ мўлжалланган эди. Кейинчалик ўйингоҳни "Estadio del Club de Futbol Barcelona" ("Барселона клуби стадиони") деб номлашга қарор қилинади. Бироқ у халқ орасида "Камп Ноу" номи билан машҳур бўлади. Бу каталон тилида "янги майдон", "янги стадион" деган маънони англатади. Бу эски "Camp de Les Corts" стадиони ўрнига янгиси қурилганига ишора эди.

Ўйингоҳ очилганидан саккиз йил ўтиб, клуб президенти Энрик Лаудет уни расман номлаш юзасидан йиғилиш ўтказади. Йиғилишда бир нечта таклиф, хусусан, "Estadi Barca" ёки "Estadi Camp Nou" деб номлаш таклифи илгари сурилади. Бироқ кенгаш аъзоларининг кўпчилиги "Estadio del CF Barcelona" учун овоз беради. Шунга қарамай, аксарият мухлис ва журналистлар стадион учун "Камп Ноу" энг мақбул ном эканини эътироф этди. Охир-оқибат 2001 йилда клуб президенти Хуан Гаспар уни расман "Камп Ноу" деб аташ юзасидан қарор қабул қилади.

"Камп Ноу" 1981 йилда қайта қурилади. Боиси, 1982 йилда Испанияда футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиши режалаштирилган эди. Шу муносабат билан ўйингоҳ кенгайтирилади. Мухлислар сиғими 120 мингни ташкил этади. 1998 йилда УЕФАнинг тик туриб томоша қилинадиган жойларда ўриндиқлар ўрнатиш юзасидан қабул қилган қароридан сўнг иншоотда иккинчи марта қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади. Натижада стадион 98 минг 934 ўринли бўлиб қолди.

Стадион ҳудудида "Барселона" футбол клуби хизматчилари маркази, раҳбарият офиси ҳамда клуб тарихига доир музей жойлашган. Музейда клуб томонидан қўлга киритилган ютуқлар, совринлар, видеофильмлар, суратлар ва ҳужжатлар билан яқиндан танишиш мумкин. Музей 3,5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерга ҳар йили қарийб 1,2 миллион томошабин киради. Бу жиҳатдан музей Барселона шаҳридаги Пикассо музейидан кейинги ўринда туради. Мажмуа таркибидан 20 минг мухлисга мўлжалланган "Мини-эстади" стадиони ҳам ўрин олган.

"Камп Ноу" стадионида 1964 йилги футбол бўйича Европа чемпионати доирасида икки ўйин, 1982 йилда жаҳон чемпионатининг очилиш маросими ҳамда Аргентина ва Бельгия терма жамоалари ўртасида илк ўйин, икки марта чемпионлар лигаси финали, УЕФА кубоги (ҳозирда Европа лигаси), Кубок эгалари кубоги ҳамда УЕФА суперкубоги сингари нуфузли футбол мусобақаларининг финал баҳслари ўтказилган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Поезд шамол генератори воситасида юра бошлади

Янги йилдан Нидерландияда барча поезд фақат шамол генераторлари ишлаб чиқарган электр энергияси ёрдамида ҳаракатлана бошлади. Бу ҳақда "The Guardian" нашри хабар тарқатган.

"Nederlandse Spoorwegen" миллий темир йўл компанияси вакили Тон Боннинг айтишича, Голландиянинг "Eneco" компанияси "Nederlandse Spoorwegen" эълон қилган тендерда ғолиб чиқиб, 10 йиллик шартнома имзолаганди. Унга мувофиқ барча поездни 2018 йилнинг 1 январидан шамол энергиясига ўтказиш режалаштирилган эди. Бироқ, мутахассислар вазифани муддатидан бир йил аввал уддалай олишди. Боннинг айтишича, бунга мамлакат ва Нидерландия соҳилларида шамол генераторларининг сони ортгани сабаб бўлган.

"Eneco" ҳамда "Nederlandse Spoorwegen" компанияси вакилларининг маълум қилишларича, битта шамол генераторининг бир соат давомида ишлаб чиқарган қуввати бир поезд таркибини 200 километргача йўл босишини таъминлай олади. "Nederlandse Spoorwegen" бир кунда ярим миллиондан ортиқ йўловчи ташийди. Компания 2020 йилга келиб, ҳар бир йўловчи учун энергия сарфини 2005 йилга нисбатан 35 фоизга қисқартиришни режалаштирган.

Робот уй ишларида кўмакчи

"Mayfield Robots" компанияси "Kuri" роботини ихтиро қилди, дея хабар тарқатган "24 gadget.ru".

Робот-"болакай" йўлида учраган тўсиқларни четлаб ўтиб, уй ичида

мустақил ҳаракатлана олади, мусиқа қўяди, хавфсизликни назорат қилади, уй эгаларининг юз ва ҳаракатларини танийди. Овозли буйруқларни тушунади: унга "Hey, Kuri" дейилса, бас. Объектларни кузатиш ва таниш учун Full HD-камера билан жиҳозланган. iOS ва Android қурилмалар дастурий таъминотини "Kuri"нинг эҳтиёжларга кўра созлаш мумкин. Масалан, тизим ота-оналарга болалар мактабдан келгани ёки уйдан чиқиб кетгани ҳақида матнли хабар йўллай олади. Робот аккумуляторни қачон қувватлаш кераклигини мустақил ҳал қилади ва док-станцияга ўзи боради.

Бўйи — 60 сантиметр, вазни — 14 килограмм бўлган роботга олдиндан буюртмалар тушмоқда. Робот 699 долларга баҳоланмоқда. Уни шу йилнинг охирида сотувга чиқариш режалаштирилмоқда.

Қадимий шаҳар харобаси

Маҳаллий қадимшунослар Грузиянинг шарқий қисмида жойлашган Кахетия ўлкасидан бронза даврига оид шаҳар харобасини топди, деб ёзади РАТА-ТАСС.

Иври дарёси яқинидан топилган шаҳарча 2,5 гектар майдонни эгаллайди. Аниқланган иморат деворларининг қалинлиги — 1-1,2 метр. Иншоотларнинг айримлари тўғри тўртбурчак, баъзилари айлана шаклида бунёд этилган. Олимлар шаҳарча деворлари харобаларидан кучли ёнғиндан қолган асоратларни ҳам аниқлашга муваффақ бўлди. Қазилма ишлари натижасида қизил рангли идиш бўлаклари ҳамда қайроқтош топиб олинди. Бир пайтлар мазкур шаҳарчада жойлашган қўрғоннинг баландлиги — 20, диаметри — 115 метрни ташкил этгани тахмин қилинмоқда.

Мамлакат маданий меросини муҳофаза қилиш агентлигининг айтишича, у шу пайтгача Грузияда топилган ва ўрганилган энг катта қўрғондир. Қазилма ишларини давом эттиришга хорижий мутахассисларни ҳам жалб этиш режалаштирилмоқда.

Тухумга ўхшаш робот

"Panasonic" компанияси Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган CES 2017 кўргазмасида тўрт ғилдирак воситасида ҳаракатланадиган роботни намойиш этди, дейилади "robotics.ua" сайтида.

Унинг ташқи кўриниши йирик оқ тухумни эслатади. Роботнинг диаметри — 29, баландлиги — 48,9 сантиметр. Ошхона миксери билан деярли бир хил ўлчамга эга. Оғирлиги — 3,7 килограмм. Бир марта тўлиқ қувватлантирилган робот 6 соатгача тўхтовсиз ишлай олади. У кичик ғилдиракчалари туфайли юза бўйлаб осон ҳаракатланади. "Тухум"нинг юқори қопқоғи очилган заҳоти унинг ичидаги махсус проектор ишга тушади. Робот овозни танийди ҳамда эгаси билан майин оҳангда суҳбатлаша олади. Ноодатий робот Wi-Fi модуль билан жиҳозланган.

Роботнинг қачондан сотувга чиқарилиши ҳозирча маълум қилинмаган.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
3 (435) 2017 йил 18 январь, чоршанба

Суҳбат

Мусаввирлар ижод маскани

Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилганига 20 йил тўлди

Мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш маънавий юксалиш жараёни билан ўзаро уйғунликда олиб борилмоқда. Бунинг самарасида одамларнинг турмуш даражаси билан бирга онгу тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгарди, маданияти, бадиий диди юксалди. Бу, ўз навбатида, санъат ва маданиятнинг қайта жонланишига, ривожланишига туртки бўлди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 23 январдаги фармонига биноан Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилгани миллий санъатимиз равнақида муҳим босқич бўлди. Шинам бино, замонавий моддий-техник базага эга Бадиий академия бугун миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизни асрабавайлаш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, мамлакатимизнинг турли соҳалардаги тараққиётини ёрқин ҳамда таъсирчан акс эттириш, янги асарлар яратиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. **Бадиий академия раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал НУРИДДИНОВ** билан мустақиллик йилларида миллий тасвирий санъатимизда рўй берган ўзгаришлар, ижодкорларни, хусусан, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар бераётган самаралар хусусида суҳбатлашдик.

— Юртимизда нафис санъат қадимдан кенг ривожланган. Афросиёб, Далварзинтепа, Холчаён ва бошқа жойларда олиб борилган археологик қазилмалар, у ердан топилган ноёб санъат асарлари, тарихий, бадиий адабиётлардан бизгача етиб келган миниатюралар бунга яққол далил бўла олади, — дейди Акмал Нуриддинов. — Тасвирий санъат намояндалари, жумладан, ўрта асрларда яшаб ижод этган мусаввир Камолиддин Беҳзод номи, унинг нафис асарлари Шарқу Ғарбда ўша пайтдаёқ машҳур бўлган. Аммо шўро даврида халқимизнинг бундай маданий бойликларига, аждодларимизнинг бебаҳо меросига беписандлик билан қаралди, миллий санъат асарлари тазйиққа олинди, уларни йўқотишга уринишлар бўлди.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда рассомларнинг эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароит яратилиб, ижодий ташкилотларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, гўзал табиатимиз манзаралари, инсоннинг руҳий олами, ўзликни англашга интилиши турли жанр ва услубларда, турфа бўёқларда ифодаланмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшаси кун сайин чирой очишида, шаҳарларимизнинг кўркамлик, улуғворлик касб этишида архитектор-дизайнерлар, рассомларнинг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Илгари дизайнга кўп ҳам эътибор берилмаган. Ҳозирги кунда шаҳару қишлоқларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида биноларнинг ўзаро уйғунлик ҳосил қилишига, миллий ва замонавий меъморлик анъаналарига хос безатилишига, ландшафт дизайнига алоҳида эътибор қартилмоқда.

— Бадиий академия мўйқалам соҳиблари фаолиятини янада юксалтириш, ижод намуналарини мухлисларга етказиш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Академия биргина 2016 йилда муҳим саналарга бағишланган, ижодкорларнинг шахсий ижодини намойиш этишга қаратилган 18 та халқаро, жами 146 кўргазма ва тадбир ўтказди. Бундан ташқари хорижда ўтказилаётган кўрик-танловларда ҳам рассомларимиз муносиб қатнашмоқда. Вакилларимиз Қозоғистонда бўлиб ўтган "Ўрол Тансиқбоев мероси" халқаро танловида бош мукофот — Гран-при, биттадан биринчи ва иккинчи, тўртта учинчи ўринларни эгаллаган бўлса, Италияда ўтказилган халқаро "Читта де Пезаро" кўрик-танловида, Польшанинг Тюрин шаҳрида бўлиб ўтган XX халқаро болалар расмлари биенналесида, "Тошкент қувончлари" VI болалар расмлари биенналесида бош мукофот ва фахрли ўринларга лойиқ топилди. Ҳамюртимиз Рустам Шукурбоев "Менинг халқим" иши билан бош соврин — олтин медални қўлга киритди.

Бадиий академиянинг халқаро ҳамкорлик кўлами янада кенгайиб бормоқда. Бунинг натижасида маданий ҳаётимизда биеннале, фотобиеннале сингари янги тушунчалар кириб келди. Ҳар икки йилда ўтказилаётган Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси мустақиллик даври ўзбек тасвирий санъати эришаётган ютуқларни жаҳон санъатшунослари, мусаввирлари ва мухлисларга ҳавола этиш, уларни юртимизда кечаётган ижодий жараён билан таништириш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига хизмат қилмоқда. Тошкент халқаро фотобиенналеси эса мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, фаровон ҳаётимиз, умрбоқий қадриятларимизни бор жозибаси билан намойиш этаётир. "Тошкент қувончлари" халқаро болалар расмлари биенналеси болалар ижодини қўллаб-қувватлаш билан бирга хориждаги ўқувчиларнинг юртимиз тарихи, қадимий обидаларимиз, миллий урф-одатларимиз ҳақидаги тасаввурини янада бойитмоқда. 2016 йилда ўтган мазкур танловда Германия, Франция, Руминия, Латвия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, Таиланд, Озарбайжон, Украина сингари йигирмадан ортиқ мамлакатлар қаторида илк бор АҚШ, Исроил ва Афғонистон вакиллари ҳам ижодий ишлари билан қатнашгани кўргазманинг кўлами кенгайиб бораётганидан дарак беради.

— Бугунги шиддат билан тус олаётган глобаллашув жараёнида рангтасвир соҳаси вакиллари олдида қандай вазифалар турибди?

— Санъат миллийликка асосланади, айни пайтда, эзгулик, олижаноблик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, маънавий етуклик каби умуминсоний ғояларга хизмат қилади. Юртимизга кириб келаётган барча асарни ҳам санъат намунаси деб бўлмайди. Бугунги глобаллашув жараёнида, тезкор ахборотлашув даврида ёшларни оқни қорадан, яхшини ёмондан фарқлай олишга ўргатиш ижодкорлар зиммасидаги энг асосий вазифалардан биридир. Мўйқалам соҳиблари бугун миллий қадриятларимиз, тарихимиз билан боғлиқ асарлари билан одамлар қалбига эзгулик, ватанпарварлик туйғуларини сингдира оляптилар, деб ўйлайман. Сабаби дунёнинг кўп давлатларида ижодий сафарларда бўлганимда, рангтасвир олами, рассомлар ижодини кузатиб, юртимизда бу соҳага берилаётган эътибор анча юқорилигини ҳис этаман. Айниқса, ёшлар ижодидаги Ватан, ота-она, миллий қадрият ва анъаналаримизга бўлган муҳаббат акс этган асарларни кўриб, кўнглинг фахр-ифтихорга тўлади...

Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

— Суҳбатимиз бевосита ёшлар мавзусига бориб тақалди. Шу ўринда соҳада етук мутахассислар тайёрлаш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш учун барча шароит яратилаётир. Бадиий академия тасарруфида битта олий ўқув юрти, 12 ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, учта амалий санъат коллежи фаолият юритмоқда. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида санъатшунослик, амалий санъат, тасвирий санъат, дизайн, дастгоҳ ва китоб графикаси, консервация ва бадиий ёдгорликларни сақлаш, санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, графика, ҳайкалтарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича таълим берилмоқда. Мазкур олий таълим даргоҳида жаҳоннинг кўплаб университетлари, ижодий марказлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Жанубий Кореянинг бир қатор университетлари билан маърифий-ижодий ҳамкорлик, яъни талабаларнинг ўзаро фикр алмашиши, ижодий мулоқот ўрнатиши, турли кўргазма, илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши имконияти яратилган. Шунингдек, муссавирлар асарларининг намойишини ташкил этиш учун замон талаблари даражасидаги муҳташам биноларимиз бор. Тошкент Фотосуратлар уйи, Халқаро маданият карвонсаройи, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси зали, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи, Миллий санъат маркази ана шулар жумласидандир. Тошкент, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Сирдарё вилоятларидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатларида реконструкция ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундай юмушлар айни пайтда Нукус, Навоий, Термиз, Бухоро, Шаҳрисабздаги таълим муассасаларимизда ҳам давом этмоқда.

— Ҳар қандай халқ, биринчи навбатда, ўзининг буюк ўғлонлари, мутафаккир зотлари, инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган олиму мутафаккирлари билан ғурурланади. Шу маънода, юртимизда яшаб ижод қилган алломаларимиз ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бадиий академия ҳам бу жараёндан четда бўлмаса керак?

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда, айниқса, тарихий, илмий, адабий манбаларга таянган ҳолда улуғ аждодларимиз сиймоларига мурожаат кўпайди. Хусусан, ҳайкалтарошликда буюк боболаримизнинг ёрқин образлари яратилди. Бир вақтлар юртимиздаги маданият ва таълим даргоҳларида асосан халқимизга мутлақо дахли бўлмаган кимсаларнинг ҳайкаллари турарди. Бугун бу жойларда Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримиз ҳайкаллари ўрнатилган. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Мотамсаро она ҳайкали, "Тинчлик" стелласи, Алпомиш ёдгорлиги, "Эл-юрт таянчи", "Кўҳна ва боқий Бухоро", "Ватанга қасамёд" каби асарларда руҳимизга яқин, замонлар оша қалб тўрида ардоқлаган орзуларимиз ифодаланган. Улар ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, аждодларга эҳтиром, миллий қадриятларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга, халқимизнинг миллий ғурурини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик туфайли халқимиз ўз қадр-қимматини тиклади, дунёда муносиб обрў-эътиборга эга бўлди. Мисрдаги Аҳмад Фарғоний, Бельгиядаги Ибн Сино, Латвиядаги Мирзо Улуғбек, Россия, Япония, Озарбайжон ва Хитойдаги Алишер Навоий ҳайкаллари буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига жаҳон халқларининг ҳурмат-эҳтироми намунасидир.

Пойтахтимиздаги Миллий боғ ҳудудида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига ҳайкал бунёд этилди. Ҳозирда Қарши шаҳрида "Эл-юрт таянчи" ва Тошкент шаҳрида Абдулла Қаҳҳорнинг монументал ҳайкалларини қайта тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Улуғ боболаримиз сиймоларининг яратилишида Малик Набиев, Муҳаммаджон Нуриддинов, Жалолиддин Миртожиев, Саъдулла Абдуллаев, Зайниддин Фахриддинов, Алишер Мирзаев, Жавлон Умарбеков, Собир Раҳметов, Темур Саъдуллаев, Баҳодир Йўлдошев, Тўра Қурёзов, Рустам Худойберганов, Алишер Алиқулов, Ниёзали Холматов каби тасвирий санъат усталарининг ҳиссаси катта.

Мустақиллик рассомларимиз учун битмас-туганмас илҳом манбаидир. Унинг рангин жилолари бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизда, барча соҳалардаги тараққиёт одимларида, асрларга татигулик ютуқларда, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тобора юксалиб бораётган нуфузи ва обрўсида, онгу шууримиз, ҳаёт тарзимиз, тафаккуримизда ўз аксини топмоқда. Шундай экан, улуғ неъмат — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бадиий асарларда тараннум этиш бизнинг ҳам ижодкорлик, ҳам фарзандлик бурчимиз бўлиб қолади.

"Milliy tiklanish" мухбири Дилфуза РЎЗИЕВА суҳбатлашди

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Фойдали, хушбўй ва серсув мева

Мандариннинг асл ватани — Жануби-шарқий Осиё. Унинг хушбўй ҳиди, ширин-нордон таъми ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Мандарин — доимий яшил субтропик дарахт. Унинг 500 дан зиёд тури маълум. Меваси пўстида клетчатка, фитоцид, кислоталар, эфир мойи, кальций, магний, темир, фосфор ва калий мавжуд. Меваси витаминларга бой: кўп миқдорда С витаминига эга. Бу витамин организмда тез сўрилади. Иммун тизимига таъсир кўрсатади ва унга вирусли инфекцияларга қарши курашишда ёрдам беради, кучли антиоксидант ҳисобланади. С витамини танамизда коллаген толаларини шакллантиришда ҳам зарур. У тана вазнини камайтириш, модда алмашинувини яхшилаш, ёғларни ўзлаштириш, тўқималарнинг нафас олиши, ўсиши ва қайта тикланишида ёрдам беради. Турли шиш, бронхит, юқори нафас йўллари шамоллаганда фойдали. Бунда эрталаб эҳтиёжга яраша табиий мандарин шарбати ичиш тавсия этилади. Шунингдек, у йўтал, грипп, тумов, бод касаллигида наф келтиради. Мевасининг пўстлоғи эса қорин оғриғи, кўнгил беҳузур бўлишида малҳам саналади. Спиртдагитиндирмаситаом ҳазмини яхшилайди, ўпка касаллигига шифо. Қуритилган мева пўстлоғи дамлаб ичилса, марказий асаб тизимини тинчлантириб, бош оғриғини қолдиради.

Лютеин — мандариндаги ноёб ва муҳим элемент. У кўриш қобилиятини зарарли нурлар таъсиридан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Таркибидаги жуда камёб элемент — холин моддаси хотирани яхшилайди, яллиғланиш, юрак-қон-томир касалликлари ривожланиши хавфини камайтиради. Холин В витаминлар гуруҳига киради. У мия ҳужайралари ривожланишига кўмаклашади. Тадқиқотлар холин ўта таъсирланиш ҳолатини камайтиришини кўрсатмоқда.

Мандаринни аллергияга мойиллиги бўлганлар эҳтиёткорлик билан истеъмол қилгани маъқул. Чунки у катта миқдордаги кислотага эга бўлиб, ошқозон шиллиқ қаватига зарар етказиши мумкин. Шу боис кислота даражаси юқори бўлган гастрит, ошқозон ва ичак яраси касаллигига чалинганларга кўп миқдорда мандарин истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Бойқуш "қанотли мушук" деб ҳам аталади.
- Бойқуш кўзларини чап ва ўнг томонга қарата олмайди: икки ёнга қараши учун бўйнини ҳаракатлантиради.

ТУРФА ОЛАМ

Ихчам электр автомобиль

Швециянинг у қадар номдор бўлмаган "Uniti Sweden" компанияси шаҳарга мос ҳамда анча вақт қайта қувватланмай ишлай оладиган ихчам электромобиль лойиҳасини тақдим этди.



"Uniti" деб номланган электромобиль икки ўриндиқли бўлиб, бир маротаба тўлиқ қувватлангандан сўнг 150 километр йўл боса олади. Двигателининг қуввати — 15 киловатт. Батареяни тўлиқ қувватлаш учун 30-40 дақиқа етарли. Автомобилнинг вазни 400 килограмм бўлиб, унинг ичидаги асбоблар панели Head-Up-дисплей кўринишида ишланган. Бундан ташқари, автомобиль келажакда ҳайдовчисиз бошқарув тизими билан ҳам жиҳозланиши мумкин.

Айни пайтда лойиҳа учун 1,3 миллион доллар маблағ тўпланган. Бу барча муҳандислик ва техник ғояларни амалга ошириш учун етарли. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, "Uniti"нинг илк тажриба намуналари 2017 йилда ишлаб чиқарилади. 2018-2019 йилларда эса мижозларга етказиб берилади. Унинг биринчи намуналарини Ғарбий Европа мамлакатларига етказиш мўлжалланмоқда.

Ноодатий смартфон

Хитойнинг "Gionee" компанияси янги "M2017" смартфонини тақдим этди.

Мобил алоқа воситаси ноодатий дизайн — тимсоҳ терисидан қилинган қоплама, металл рамка ва ёқутли ойнага эга. "M2017" қуввати 7 минг миллиампер-соат бўлган супер аккумулятор билан жиҳозланган.



Компания вакилларининг айтишича, бир марта тўлиқ қувват олган телефонда 32 соатгача узлуксиз сўзлашиш ёки 26 соатгача видео томоша қилиш мумкин. Ускуна 5,7 дюймли эгилган экран, 6 гигабайт оператив хотирага эга. Доимий хотираси — 128/256 гигабайт. Иккита асосий камера — 12 ва 13 мегапиксель. Қўшимча камера эса 8 мегапиксель ҳажмга эга. Смартфон "Android 6.0 Marshmallow" дастурий тизимида ишлайди.

"M2017"нинг металл корпусли нусхаси 6 минг 999 юань. Тимсоҳ терисидан ясалган қоплама ҳамда 256 гигабайт хотирага эга мобил алоқа воситасининг нархи эса 16 минг 999 юань.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер КОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 116, Адади — 10556. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.40.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345